2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 257 (1046), 2023 йил 10 декабрь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган барча заҳматкаш инсонларни, бутун халқимизни қутлуғ байрам — **Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш — бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир.

Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, тажрибали чорвадор ва пиллакорлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қадимий анъаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби ривожланмоқда, аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг тасдиғини бу йил мамлакатимизда илк бор 8 миллион 200 минг тонна ғалла, 3 миллион 800 минг тонна пахта, 15 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 26 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

**Ана шундай фидокорона меҳнат ва улкан натижалар учун сизларга эл-юртимиз номидан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.**

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратмоқдамиз. Шу мақсадда 800 дан зиёд агрокластерлар ташкил этилди. Бугунги кунда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи айнан улар томонидан етиштирилмоқда.

Бу йил дала меҳнаткашларига 10 минг 500 дан ортиқ юқори унумли техника ва агрегатлар етказиб берилди. Соҳага рақамлаштириш жараёнлари, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда.

Чўлланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилингани ва қарийб 1 миллион гектар ернинг сув таъминоти яхшилангани ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасидир. Жорий йилда қўшимча равишда 100 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари экилгани, мевали боғ ва токзорлар барпо этилгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги ана шундай ўзгаришлар жараёнида аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда охирги икки йилда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар юртдошимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 миллион тонна маҳсулот етиштирилди.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

**“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида** барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар асосида маҳсулот таннархини 30-35 фоизга тушириш, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларни 1 миллион 500 минг гектарга етказиш, сифатли ва серҳосил навларни, зотдор чорва наслини кўпайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга устувор аҳамият берилади.

Биз ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизлар каби катта билим ва тажрибага эга, миришкор ва омилкор инсонларга таянамиз.

Ўз навбатида, давлатимиз ва жамиятимиз соҳани янада равнақ топтириш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳлининг ҳаётини обод ва фаровон қилиш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларни сафарбар этади.

Сиз, азизларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлаб, жонажон юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Хонадонларингизни хурсандчилик, тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин!

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



# АСЛ ДЕҲҚОН ЕР ҚАДРИГА ЕТАДИ

**Деҳқон учун йилнинг барча фасллари ҳам синовли. Гоҳ сув камлигидан, гоҳ табиат инжиқликларидан, баҳору кузнинг бемаврид ёғин-сочинларию изғиринларидан азият чекадиган асл деҳқон бундай муаммоларни омилкорлик билан енгиб ўтиш сирларини яхши билади. Бу борада Амударё тумани деҳқонлари Қорақалпоғистонда доимо намуна бўлиб келган.**

Айни кунларда туманнинг Ўртақалъа овулидаги “Ергулобод” фермер хўжалигида кузги-қишки ишлар қизғин давом этмоқда. Деҳқонлар об-ҳавонинг ҳар бир очиқ кунидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти.

Гулмурод Бобониёзов раҳбарлик қилаётган мазкур хўжалик тасарруфида 88 гектар ер бўлиб, жорий йилда унинг 52 гектарида “Султон” навли пахта, 25 гектарда эса “Антонина” навли буғдой етиштирилди. Хўжаликда 21 нафар доимий ишчи меҳнат қилади. Бу йил пахта ҳосилдорлиги 34 центнерга етказилиб, режа ошириб бажарилди. 188 тонналик хирмон уюлди.

Давоми 2-бетда



## 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУР-ИФТИХОРИ РАМЗИ

**Шу кунларда юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кунга бағишлаб турли маънавий-маърифий анжуманлар ўтказилмоқда. Мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам ватандошларимиз, ўзбек диаспоралари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида ушбу сана муносабати билан тадбирлар ташкил этилмоқда.**

Давоми 2-бетда

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЎЛКАСИ

**“Иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.**




Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда, айниқса, жиддий сезилмоқда.

Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди. Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Бу глобал хавфлар кенг минтақамизда хатарли нуқтага етиб келмоқда”.

Давоми 3-бетда

## БАҒРИКЕНГЛИК

# ТАҚДИР ТАНЛОВИ

## ёхуд чегара ҳудудларда дўстлик муносабатлари ўзгаргани ҳақида

**Сурхондарё қўшни Афғонистон, Туркманистон ва Тожикистон билан бевосита чегарадош. Инсониятнинг цивилизация марказларидан бири сифатида эътироф этиладиган воҳа ўзининг илк давлатчилик тарихи, қадимий шаҳарсозлик, ҳунармандлик маркази, шунингдек, турли динлар, маданиятлар сарчашмаси ўлароқ, бутун дунёга маълуму машҳурдир.**

Давоми 2-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ЗАР КОКИЛЛИ Зарафшон



**— Мана, Ўзбекистон! Унинг шимолида Қозоғистон, жанубда Афғонистон, ғарбда Туркманистон, бу ёқда Тожикистон, Қирғизистон эса водийга чегарадош. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган. Буюк ипак йўлининг ҳамма даврдаги йўллари биздан ўтган...**

**Глобусдан Ўзбекистонни кўрсатиб, юқоридаги сўзларни айтиб турган палламда, тепамда турган болакай эътироз билан савол беради:**

**— Бунча кичкина... Ўзбекистон?! Сурхондарёга боргунча жуда узоқ-ку...**

* * *

Навоий вилояти, шаҳри ҳақида ўйлаганимда, устоз Абдулла Ориповнинг ушбу хотиралари ёдга келади: “Туркиялик тилшунос олим билан Навоий шаҳрига енгил машинада яқинлашдик. Меҳмон ҳайратда! У ўз ҳайратини бот-бот шундай такрорлайди: “Ўзбеклар бутун бошли вилоятни ўз шоирининг номи билан атаган! Ўрнак олиш керак!”. Бизнинг эса қулоғимиз ўрганиб кетган — Навоий вилояти, Навоий шаҳри... ”.

Дарҳақиқат, азим бир воҳа Алишер Навоий номи билан аталади. Шу вилоятга, аниқроғи, у ерда жойлашган Навоий кон-металлургия комбинатига сафар



асносида жуда кўп хулосаларга, аввал кўрмаган, эшитмаган кишилар суҳбатига сазовор бўлдим ва юртнинг бир хазинаси ҳисобланган бу манзилдан жуда катта ҳайратлар билан ортга қайтдим.

Машина қумлар оралаб чўзилган йўлда гувиллаб елиб бораркан, машҳур геолог олим Ҳабиб Абдуллаевнинг Ўзбекистон тоғу даштларини кезиб, дунё геология илмининг хулосаларига таяниб келган тўхтамларини эсладим. Ўшалардан бири шундай: қаерда шувоқ кўп ва зич ўсган бўлса, шу ерда олтин бўлади!

Яна бир илмий далил шундайки, қаерда олтин кўп бўлса, ўша ерда маргимуш — заҳар қатлами ҳам, албатта, мавжуд бўлади. Буни ўзбек олими, геолог Иброҳим Ҳамробоев биринчи бор аниқлаган.

Давоми 4-бетда

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# БОЛАЖОНЛИК ВА БОЛАПАРВАРЛИК ОРАСИДАГИ ФАРҚ НИМАДА?

**Болаларга ғамхўрлик дунёнинг барча мамлакатида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, юртимизда ҳам эртамиз эгаларининг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб камол топиши учун барча имконият ишга солинмоқда. Айниқса, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилди.**

Бу янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам мустаҳкамланди. Жумладан, Бош қонунимизда ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги мажбурияти алоҳида кўрсатилди. Давлат ва жамият ота-она васийлигидан маҳрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши қайд этилди. Оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани таъкидланди. Бу халқимизнинг нечоғлик болапарвар эканига яна бир далилдир.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ўтказишнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни кучайтириш вазифаси белгиланган. Бу борада янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар



омбудсмани) Сурайё РАҲМОНОВА билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

**— Болалар ҳуқуқини таъминлаш дунёдаги долзарб масалалардан биридир. Айтинг-чи, болалар ҳуқуқи таъминлангани бўйича жаҳон рейтингида қайси давлатлар етакчилик қилади? Мамлакатимиз нечанчи ўринда турибди?**

— Ҳақиқатан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дунёдаги муҳим масалалардан. Шу боис, давлатимиз мустақил бўлганидан кейин ратификация қилинган дастлабки ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. Ўзбекистонда айнан болалар ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш жараёнида халқаро стандартларга риоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Давоми 5-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# АСЛ ДЕҲҚОН ЕР ҚАДРИГА ЕТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Иш унумини оширишда хўжаликдаги битта "Орион" русумли, иккита "МТЗ — 80Х" русумли трактор, битта комбайн, битта экскаватор ва LC-100 лазерли ер текисловчи техникадан фойдаланилмоқда. "Ергулобод"да келгуси йил ҳосили учун ер майдонларини сифатли тайёрлашга киришилиб, шу пайтга қадар 30 гектарда шудгорлаш ишлари якунланди. Дала четлари, симёғоч атрофларини ҳайдашга алоҳида эътибор берилди.

— 25 гектар ерга экилган кузги буғдой парваришини ҳам эътибордан четда қолдирмадик, — дейди Гулмурод Бобониёзов. — Униб чиққан майсаларни озиқлантириш мақсадида ҳар гектарга 300 килодан минерал ўғит берилиб, икки марта қондириб суғорилди. Натижада ниҳоллар ривожи яхшиланди ва келаси йилги мўл ҳосилдан дарак бериб, совуқ тушишидан олдин бачкилашга улгурилди.

Хўжаликда 4 гектар ерда боғ барпо этилган. Айни пайтда олма, нок, олхўри, узум каби 800 тупга яқин мевали дарахт ва токлар хўжалик ишчилари томонидан парваришланмоқда. Уйқу даврига кира бошлаган мевали дарахтларнинг шохлари буталиб, шакл берилмоқда, танаси бачкилардан тозаланмоқда.

— "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида боғ яратиш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳозирги кунда оқова сув келишини яхшилаш мақсадида ариқлар ёввойи ўтўланлардан тозаланмоқда. Ариқлар четига тут кўчатлари ўтқазиляпти, — дейди хўжалик раҳбари. — Шу пайтга қадар 600 тупга яқин тут кўчати экилди. Шунингдек, яна қўшимча бир гектар ер ажратилиб, янгидан мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Дала четларига қадалган ток кўчатлари эса 150 тупдан ошди. Боғ қатор ораларидаги ярим гектар ерга экилган тўқсонбости экинлардан пиёз ва саримсоқпиёз аллақачон униб чиқди.

"Ергулобод" фермер хўжалиги ишчилари тажрибали деҳқонлар билан ҳамжиҳатликда келаси йилда пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини эса 80 центнерга етказишни режалаштирган. Боғдан ҳам мўл ҳосил олиб, ўз хонадонлари ва эл дастурхонини тўлдиришни ният қилган.



### Биологик усул фойдаси

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экин майдонларидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли халқимиз дастурхони тўкин, турмуши обод бўлиб бормоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида соҳада чуқур ислоҳотлар ўтказилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини кенг жорий этиш, қайта ишлаш ва экспортни ривожлантириш, шу асосда фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда экинларни турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш ҳам муҳим ўрин тутади. Зараркунандалар кўпайишининг олдини олишда кузги тадбирларни вақтида ўтказиш, ариқ-зовурларни сифатли тозалашнинг аҳамияти катта, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Амударё туман бўлими ходими Нодирбек Ўрозов. — Қолаверса, очиқ майдонларда, иссиқхоналарда етиштирилаётган экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усул алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, бу борада Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ишлаб чиқилган "Agro ko'makchi" мобиль иловаси орқали фермерлар, томорқа ер эгалари зарарли организмлар, бегона ўтлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб, уларга қарши курашиш бўйича тавсиялар олиши мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 40 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Бундай катта қатламни зарур маълумотлар билан таъминлаш, ўсимликларни зарарли организмлардан тўғри ҳимоя қилиш юқори ҳосил гаровидир. Бунинг учун "Agro ko'makchi" мобиль иловасидан фойдаланишнинг ўзи етарли, дейди мутахассислар.



### Тўқсонбости усулида сабзавот етиштириш — кун талаби

Кейинги йилларда Амударё туманида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида тўқсонбости усулида пиёз, саримсоқпиёз, сабзи, кичик сиғимли иссиқхоналарда турли кўкатлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тумандаги барча тоифа хўжаликлардаги 1777 гектар майдонга шу усулда сабзавот экинлари экилди.

— Тўқсонбости усулида сабзавот экиш ишларини Тошқалъа маҳалласи ҳудудидаги фермер хўжаликлари барвақт бошлади. Айниқса, "Нурумбетов Хурсандбек", "Эркинбой Қўзибоевич", "Хурсандбек Хўжаков" фермер хўжаликлари далаларида август ойининг охири ва сентябрь ойида экилган пиёз, саримсоқпиёз аллақачон униб чиқди. Хусусан, "Нурумбетов Хурсандбек" фермер хўжалигида 30 сотих пиёз, 10 сотих саримсоқпиёз, "Эркинбой Қўзибоевич" фермер хўжалигида 30 сотих пиёз ва 10 сотих саримсоқпиёз, "Хурсандбек Хўжаков" фермер хўжалигида эса 25 сотих пиёз ва 10 сотих майдонга экилган саримсоқпиёз майсалари яхши ривожланмоқда, — дейди Амударё тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Анвар Йўлдошев.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли томорқасида ҳам тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Улар эрта баҳорданоқ кўкпиёз, сабзи ва саримсоқпиёз маҳсулотларини бозорга олиб чиқади.

Раҳимбой оға Ражабов ана шундай моҳир томорқачилардан. У оила аъзолари билан баҳамжиҳат ўз томорқасида бунёд этган иссиқхонада эртаки сабзавотларни барвақт етиштиришда ўзига хос тажрибага эга.

— Айни пайтда томорқамда тўқсонбости усулида экилган 2 сотих пиёз, иссиқхонада эса 2 сотих кўкат кўзни қувнатадиган даражада ривожланмоқда. Иссиқхонага экилган редиска ва булғор қалампири етилмоқда, — дейди Раҳимбой оға. — Кўкатларни аллақачон бозорга чиқардик. Пиёз ва саримсоқпиёз майсаларини бегона ўтлардан тозалаб, озиқлантириш ишлари олиб боряпмиз. Эрта баҳорда бозорга биринчи олиб чиқадиган маҳсулотимиз кўкпиёз бўлади. Витаминга бой, иштаҳа очувчи кўкпиёзнинг иссиқхона шароитида етиштирилганидан очиқ далада, тўқсонбости усулида етиштирилгани жуда фойдали.

Ҳақиқатан, очиқ далада етиштирилган тўқсонбости экинлар эрта баҳорда барвақт униб чиқади ва қуёш нурига тўйиниб, тез етилади.

Шу кунларда туманнинг барча фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқаларида экилган тўқсонбости экинларини кузги суғориш, озиқлантириш ишлари ниҳоясига етказилган ва экинлар ям-яшил майсалар ҳосил қилган. Бу эса халқимиз дастурхонини эрта баҳорданоқ эртаки сабзавотлар билан тўлдириш имконини беради.

### Биогумус ерни қайта даволайди

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда ернинг унумдор бўлиши муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айрим ҳудудларда заминнинг ҳосил бериш кўрсаткичи камайиши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан мунтазам фойдаланиш натижасида фойдали бактерияларнинг қирилиб кетиши оқибатида ерлар заҳарланиб қолганидир.

Бундай ҳолатларда ерни қайта даволашнинг энг самарали усулларидан бири биогумус солиш ҳисобланади. Биогумусни эса Калифорния қизил чувалчанглари ишлаб чиқаради. Бу чувалчанглар тўқ қизил рангли бўлиб, узунлиги 8-10 сантиметр, оғирлиги бир граммга тенг келади. Хона шароитида чувалчанг оддий усул билан, яъни молнинг чириган гўнги, кушхонадан чиққан чиқиндилар, дарахт япроқлари, ошхона чиқиндилари билан овқатлантирилади. Чувалчанглар чиқарадиган чиқинди — биогумус таркибида азот, калий, натрий, борий, мис, кобальт, руҳ, темир, титан, рубидий, вермут каби 38 хил модда борлиги аниқланган.

— Биогумус тупроқни мукаммал даражада соғломлаштириб, бошқа ҳар қандай органик моддалар билан яхши бирикади ва ҳосил сифатини яхшилашга хизмат қилади. Жорий йилда туман бўйича жами 1110 тонна биогумус тайёрлашни режа қилганмиз, — дейди Амударё тумани ҳокими Собир Хўжаметов. — Асосийси, биогумус бошқа ўғитлардан 4-8 баробар кучли бўлиб, тупроқ унумдорлигини 15-25 фоиз оширади ва органик қоришмалар билан бойитади. Шунингдек, тупроқ микрофлорасига ижобий таъсир кўрсатади. Микроорганик озуқалар миқдорини кескин ошириб, намликни яхши сақлайди. Ўсимликнинг ўсиш қобилиятини 11-24 фоиз оширади ва ҳосил 2 ҳафта олдин етилади.

Албатта, тупроққа биогумус солиш меъёрларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Унумдорлиги паст бўлган тупроққа уни лаборатория таҳлилларидан ўтказиб, мутахассислар тавсияси асосида белгиланган миқдорда биогумус солиш зарур. Биогумус солинган тупроқда етиштирилаётган экин касалликларга чидамли бўлади ва эрта етилади.

Хулоса қилиб айтганда, амударёлик фермер ва деҳқонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳар томонлама илмий ва кўп йиллик тажрибага асосланган ҳолда иш юритмоқда. Уста деҳқонлар бундай муаммоларни омилкорлик билан енгиб, албатта, яхши натижага эришади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУР-ИФТИХОРИ РАМЗИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари, Бош консулликлари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарида давра суҳбатлари, брифинг ва тадбирлар ўтказилиб, уларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти қатнашчиларга етказилмоқда. Давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳиянинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, шу азиз юртимизни жону дилдан севишга ундовчи муҳим восита эканига алоҳида урғу бериляпти.

Мадҳиямизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган. Унда мардона ва шарафга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Мадҳиямиз, шубҳасиз, бутун халқимизнинг ғурур-ифтихоридир.

Учрашувларда, шунингдек, 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон давлат мадҳияси кучли демократик давлат барпо этишнинг муҳим босқичларидан бири бўлгани таъкидланмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонун билан мадҳия матни ва мусиқаси тасдиқланди. Давлат мадҳиясининг муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов яратган. Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри Давлат мадҳиясининг биринчи ижрочиси саналади. Ўзбекистон мадҳияси давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан дунёнинг турли нуқталарида яшаётган ватандошларимиз, турли миллат вакиллари самимий фикрлар билдирган.

**Козимжон ВАҲОБОВ, Малайзиянинг "Datamicron Sdn Bhd" компанияси ходими:**



— Мен Малайзияда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида ўз меҳнат фаолиятимни амалга ошириб келяпман.

Ватандан олисдалигим сабаб, ҳар сафар Ўзбекистон мадҳиясини тинглаганимда фахр ва соғинч туйғулари жўш уради.

Мадҳиямизда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва меҳмондўст халқимизнинг орзу-интилиши, умид ва мақсадлари мужассам.

Давлатимиз мадҳияси юртимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ўзида акс эттирган. У мен каби хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга доимо куч-қувват бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинган кун билан табриклайман.



**Михо ОГАТА, Япониянинг "Silk Road Band" мусиқий гуруҳи вокалисти ўзининг байрам табригида ўзбекистонликларга тинчлик-осойишталик тилаш баробарида, ўзбек маданияти ва тарихий меросига юксак эҳтиром кўрсатган.**

**"Дунё" АА**

БАҒРИКЕНГЛИК

# ТАҚДИР ТАНЛОВИ

## ёхуд чегара ҳудудларда дўстлик муносабатлари ўзгаргани ҳақида

Бошланиши 1-бетда

**Бу юрт тарихини тадқиқ этган олимлар бир неча диний таълимотга эътиқод қилувчи маҳаллий аҳолининг бағрикенглиги, ўзаро ҳамжиҳатлигию тотувлиги бошқа жойларда камдан-кам кузатилади, дея эътироф этади. Бугун ҳам вилоятда ана шу азалий анъана бардавом, турли миллат ва элат вакиллари бир оила аъзолари каби аҳил-иноқ, ўзаро тотувликда умргузаронлик қилмоқда.**

Гапнинг сирасини айтганда, бугунги глобаллашув замонида бутун жаҳонда юзага келаётган мураккаб сиёсий ва иқтисодий муаммолар ечими, шубҳасиз, аҳиллик ва ўзаро дўстона муносабатларга боғлиқ. Бинобарин, кейинги йилларда Ўзбекистонинг прагматик ички ва ташқи сиёсати, аввало, яқин қўшни давлатлар билан азалий дўстлик ва қардошлик ришталарининг қайта боғланишига кенг йўл очиб берди.

Сариосиё туманидаги "Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Икки давлатни ўзаро боғловчи "Чумчуқлижар" божхона-чегара пости ҳам шу ерда жойлашган. Маҳаллада 3330 аҳоли истиқомат қилади.

Инсон қадри улуғ. Бу тамойил миллий қадриятларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Одамлар яхши яшаши, бугунидан рози бўлиши амалдаги ислоҳотларнинг бош мақсадига айлангани эса бор ҳақиқат.

— Киши воқеликни борича, холис ва ҳаққоний баҳолаши учун кечаги кун билан қиёсласа, ҳаммаси ойдинлашади, — дейди "Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Ҳанифа Иброҳимова. — Мутахассислигим иқтисодчи бўлса-да, узоқ йиллардан буён маҳалла тизимида фаолият олиб бораман. Маҳалла эл-юртдаги ўзгаришларни акс эттирувчи бамисоли кўзгу, десам асло муболаға эмас. Буни маҳалламиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, кейинги йилларда божхона-чегара пости орқали юртимизга келувчилар учун Ватанимиз эшиклари очилгани, ўзимиз ҳам Тожикистонга қариндошларимизни кўриш ё шунчаки сайр-саёҳат учун ҳам бемалол бориб келаётганимиз ана шу янгиланишлар самарасидир.

Мактабни тамомлагач, Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олганман. Табиийки, қўшни давлатда кўплаб дўстлар орттирдим. Афсуски, маълум бир вақт давомида қўшнилар билан борди-келди алоқаларимиз узилгани туфайли ҳатто чегара ҳатлаб яқинларимизни сўнгги манзилга кузатиш маъракасига қатнашишнинг ҳам имкони бўлмади. Ён қўшним Ҳожар Бойматова Тожикистондан келин бўлиб тушган. Афсуски, ота-онаси вафот этганида ўз юртига бора олмади, бу эса унинг қалбида бир умрлик армон бўлиб қолди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Термиз туманидаги "Орол" маҳалла фуқаролар йиғини Амударёга туташ чегара ҳудудда жойлашган. Бу ерда 4180 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуднинг ўсиш нуқталари бу — иссиқхона шароитида деҳқончилик қилиш, чорвачилик, паррандачилик ва анъанавий деҳқончилик. Жумладан, биргина шу маҳалладаги аҳоли хонадонларида 425 иссиқхона мавжуд. 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш олиб бормоқда.

— Бу йил яна 40 та янги иссиқхона ташкил этишни режалаштиряпмиз, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шуҳрат Маманов. — Маҳалламиз кўп миллатли, туркманлар нисбатан кўпроқ. Гарчи, чегара ҳудудларини қўриқлаш, ҳимоялаш ҳарбийларимиз зиммасида бўлса-да, қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудда яшовчи ҳар бир киши том маънода чегара қўриқчисидир. Бу эса доимий огоҳлик, сергаклик ва албатта, катта масъулият талаб этади. Азалдан Амударёнинг икки қирғоғида яшаб, ўзаро дўстлик, қуда-андачилик ва қардошлик ришталари билан боғланган ўзбек ва афғон халқлари ўртасидаги муносабатлар маълум сабабларга кўра узоқ вақт узилиб қолган эди. Давлатимиз раҳбарининг очиқлик сиёсати туфайли кейинги йилларда алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият бошлар эканман, дастлаб "хонадонбай" ўрганиб чиқдик, энди ҳар бир хонадон муаммолари ечимига эътибор қаратяпмиз.

Энг муҳими, йил давомида маҳалламиз ҳудудида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик умуман қайд этилмади, нотинч оила деярли йўқ. Аҳолининг аксарияти фойдали меҳнат билан банд. Шунга монанд одамларимиз меҳнатидан бахт топишга, рўзғорини бутлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Сурхондарё вилояти Амударё орқали Афғонистон билан чегарадош бўлиб, бу икки давлатни "Ҳайратон" кўприги ўзаро боғлаб туради. Кўприкнинг узунлиги 816 метр, 1981 йилда ишга туширилган. У дастлаб 1888 йилда ёғочдан, 1902 йилда темирдан қурилган кўприк ўрнида барпо этилган.

Дарҳақиқат, афғонистонликлар асрлар давомида бизга энг яқин қўшни бўлиб келган. Диний, маданий ва миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз муштарак, бир дарёдан сув ичган халқларимиз ўртасидаги муносабатлар сўнгги пайтларда янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

— Мен Афғонистоннинг шимолий вилояти Жузжонданман, — дейди Термиз давлат университети ўқитувчиси Азиз Аҳмад Амини. — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилгани жуда катта тарихий воқеа, деб ҳисоблайман. Ўтган йиллар давомида кўплаб афғонистонликлар бу ерда таълим олиб, ўзбек тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассис бўлиб етишди. Уларнинг аксарияти ҳозир Афғонистонга қайтиб, ўз йўналишлари бўйича маҳаллий аҳоли ва ёшларга она тилимизни, касб-ҳунар ўргатмоқда. Маълумки, Афғонистоннинг шимолий минтақасида ўзбеклар кўп ва улар ўз она тилини жон қадар асраб-авайлайди. Аммо мактаблар етишмаслиги, малакали ўқитувчилар камлиги боис, ўзбек тилини ўрганиш бўйича муаммолар мавжуд. Юртингизда таҳсил олиб, Афғонистонга қайтган ўқитувчилар ана шу камчиликларни бартараф этишга астойдил интилмоқда.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолият бошлаганида биринчилардан бўлиб бу даргоҳда таҳсил олишга келдим. Таҳсил давомида билим ва малакамни бойитишга, устозлардан яхши сабоқ олишга астойдил ҳаракат қилдим. 2019 йили ушбу ўқув марказини тамомлаб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг бакалавр дипломини олишга муяссар бўлдим. Шундан сўнг Термиз давлат университетида магистратура йўналишини битириб, ҳозирда шу таълим муассасасида ёшларга ўзбек тилшунослиги фанидан сабоқ бериб келяпман. Айни пайтда ўзбек тилшунослиги бўйича илмий тадқиқот ишларим ҳам якунланиб, илмий кенгашда ҳимоя қилиш арафасидаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, таълим олиш учун юртингизга келган бўлсам-да, шахсий ҳаётим тобора бу юрт билан чамбарчас боғланмоқда. Бахтимни шу ерда топиб, уйландим, бир нафар фарзандим бор. Қанчадан-қанча азиз инсонлар билан дўстлашдим, қадрдон бўлиб кетдик.

> **Дарҳақиқат, қўшни танланмайди — у тақдирнинг танлови. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизнинг бошқа манзилларида бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам барча миллат ва элатлар, турли дин вакиллари аҳил-иноқ яшаётгани Президентимиз томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсатининг амалдаги ҳаётий ифодасидир.**

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

www.yuz.uz | yuz.uz/news | yuz_official | yuz.uz/news



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ

COP28UAE
UNITE. ACT. DELIVER.

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЎЛКАСИ



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича шу йил 1 декабрда БААда бўлиб ўтган конференциясидаги (COP28) нутқида шундай фикрларни билдирар экан, ушбу муаммога қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, дунёнинг етакчи олим ва экспертларини Тошкентдаги “Яшил университет” негизидаги “Иқлим илмий форуми”да иштирок этишга чақирди. БМТ билан 2024 йили Ўзбекистонда “Иқлим миграцияси” конференциясини ўтказиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастурини ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этишни таклиф қилди.

COP — БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси бугунги кунда унинг доиравий конвенцияси, Киото протоколи ва Париж битими қоидаларини амалга ошириш бўйича энг юқори даражада музокаралар ўтказиладиган платформа ҳисобланади. Ўзбекистон 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси, 1998 йил 20 ноябрда Киото протоколи, 2017 йил 19 апрелда Париж битимини имзолаган. Бинобарин, мамлакатимиз Осиё минтақаси ва МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб 1995 йилда БМТнинг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган.

Мутахассислар иқлим ўзгаришининг асосий омилини иссиқхона эффекти билан боғлайди. Ер сатҳида газ концентрацияси ортиши табиий иссиқлик мувозанатини бузади ва антропоген иссиқхона эффектига айланади. 2100 йилга бориб, унинг оқибатида глобал ялпи ички маҳсулот 20 фоиздан ортиққа пасайиши мумкин.

— Давлатлар олдига қўйилган мақсад иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишдан иборат, — дейди тадқиқотчи Муроджон Мустафоев. — Бунда Ер юзидаги глобал ўртача ҳароратнинг саноатлашув давригача (XVIII асрнинг ўрталари) бўлган даражадан 2° C пастда, имкон қадар 1,5° C да ушлаб туриш назарда тутилади. Шу кунга қадар дунё мамлакатлари томонидан кўрилган чоралар ҳамда сайёрамизнинг глобал исишини 1,5° C да ушлаб туриш учун талаб қилинадиган тадбирлар ўртасида жуда катта бўшлиқ мавжуд бўлган. Экспертлар прогнозига кўра, мавжуд воқелик ўзгармаса ҳамда Париж битимига аъзо давлатлар томонидан вақтида тегишли чоралар қабул қилинмаса, 2100 йилга келиб, Ер юзидаги глобал исиш ўртача 3,2° C ни ташкил қилади. Бу сайёрамизнинг катта қисмида экотизимни издан чиқаради. Ер юзидаги глобал исишни 1,5° C да ушлаб туриш атмосферага чиқадиган ташланмаларни 2030 йилгача 43 фоиз ва 2050 йилгача 84 фоиз камайтиришни кўзда тутади. Фақат ушбу мақсадга эришишгина глобал экологик ҳолатни соғлом ҳолда сақлаб қолишга имкон яратади.

Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи Ер илгари ҳисоб-китоб қилинганидан кўра тезроқ исиб бораётганини маълум қилмоқда. Дунё бўйича ўртача ҳарорат 1,1 даража кўтарилган. Бу эса 2040 йилга бориб, ўртача ҳарорат 1,5 даража ошишидан далолат беради.

Шу боис, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси мақсади глобал исишни саноатлашув давридан олдинги кўрсаткичдан 1,5 даражадан юқори бўлмаган мезонда чеклаш, ривожланаётган мамлакатларда иқлим ўзгариши дастурларини молиялаштириш ва инвестицияни кўпайтириш каби улкан мақсадларга эришишга қаратилган.

Тадқиқотлар кўрсатадики, 1 сантиметр унумдор тупроқ ҳосил бўлиши учун юз йилдан ортиқ вақт кетади. Шунда ҳам бунинг учун зарур омиллар бўлиши керак.

Бунинг оқибатлари минтақадаги экологик ҳолатга жуда катта таъсир қилади. Айрим фикрларга кўра, 2050 йилга бориб, глобал ҳарорат ўсишини 1,5 даражагача чеклашга муваффақ бўлсак ҳам Марказий Осиё мамлакатлари барибир ҳаво ҳарорати 2,5 даражагача кўтарилиши билан юзлашади. Бу сув танқислиги, кучли иссиқ, чўлланиш ва экстремал гидрологик ҳодисаларга олиб келади.

## Самарқанд саммити умумбашарий муаммоларни ҳал этишда қандай ўрин тутади?

Давлатимиз раҳбарининг БААдаги саммит доирасида БМТ Бош котиби ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиав билан учрашувида БМТнинг яқинда Самарқанд шаҳрида дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакати делегациялари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган Чўлланиш бўйича конвенцияни амалга ошириш қўмитасининг 21-сессияси сермаҳсул бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мазкур муҳим тадбир Марказий Осиёда илк бор ўтказилиб, унда Европа Иттифоқи, фуқаролик жамияти ва илмий доиралардан 500 га яқин вакил қатнашди. Ўзбекистоннинг сессия



якунларига, асосан, қум ва чанг бўронлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиш ташаббуси халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиши, 2024 йилда Саудия Арабистонида бўлажак конференцияда уни қабул қилиш масаласи илгари сурилиши кутиляпти.

— Дунё бўйлаб кузатилаётган қурғоқчилик, ўрмон ёнғинлари ва жазирама тўлқинлари бир-бири билан боғлиқ бўлган иқлим ва табиат инқирози аломатларидир, — деган эди сессиядаги нутқида Иброҳим Тиав. — Маълумотларга кўра, 2015 йилдан буён тахминан 4 миллион квадрат километр — тахминан Ўрта Осиё майдонига тенг унумдор ер йўқотилган. Дунё бўйича соғлом ва унумдор ернинг йиллик йўқотилиши тахминан 100 миллион гектарни ташкил қилмоқда. 2030 йилга бориб, ердан фойдаланиш бўйича глобал мақсадларга эришиш учун унинг кейинги деградациясини зудлик билан тўхтатишимиз ва камида 1 миллиард гектар майдонни тиклашимиз керак.

Сўнгги маълумотларга кўра, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси деградациянинг салбий таъсири натижасида йилига 6 миллиард доллар зарар кўрмоқда. Бу рақамлар Самарқанддаги сессия бежиз ташкил қилинмагани, чўлланиш, қурғоқчилик каби экологик муаммолар тобора жиддий тус олаётгани ва уларни ҳал қилиш учун бирлашиш лозимлигини англатади.

— 21-сессия дунёда чанг ва қум бўронлари муаммоси кўтарилган илк глобал тадбирга айланди. Шунингдек, сессия давомида ерни барқарор бошқариш, қурғоқчиликка чидамлиликни ошириш, барқарор қишлоқ хўжалигида аёллар етакчилигини қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалаларни муҳокама қилдик. Қолаверса, ер деградацияси ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ мажбурий миграцияга қарши курашишда стратегик мақсадларни амалга ошириш борасидаги муаммолар ва имкониятларни ҳам кўриб чиқдик, — деди саммит якуни бўйича ўтказилган матбуот анжуманида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари Обиджон Қудратов.

Сербия соғлиқни сақлаш институти бўлим бошлиғи Билжана Килибарданинг фикрича, ушбу сессия иштирокчи давлатлар учун умумбашарий муаммоларни биргаликда бартараф этиш борасида ўзаро фикр алмашиш, тажриба орттириш имконини яратди. Мавзу жуда долзарб, кўтарилган муаммолар жиддий. Иштирокчи давлатлар сессия давомида келажакда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб олди. Самарқанд саммити доирасида БМТ Бош котиби ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиав Қорақалпоғистонга борди. У Мўйноқ туманида Орол денгизининг қуриб қолган тубида ўрмон экиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан танишди. Орол денгизи қирғоғи, очиқ осмон остидаги музейда бўлди. Ташриф давомида дарахт кўчатлари экилди.

Жаҳон банки гуруҳи томонидан яқинда эълон қилинган Мамлакатдаги иқлим ўзгариши ва тараққиёт бўйича ҳисоботда қайд этилишича, иқлим ўзгариши оқибатлари Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигига турлича таъсир кўрсатади. 2030 йилга келиб, мамлакат бўйлаб шаҳар ва қишлоқларда камида 8 миллион киши иқлим ўзгариши хавфи жуда юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилиши кутилмоқда. Агар бунга мослашиш чоралари кўрилмаса, 2050 йилга бориб, миллий иқтисодиёт ҳажми иқлим ўзгаришидан зарар кўрмаган ҳолатдаги кўрсаткичдан 10 фоиз кичикроқ бўлади. Бу аҳоли бандлиги ва уй хўжаликлари даромади сезиларли қисқаришига олиб келади.

2060 йилга бориб, иқтисодиётни карбонсизлантириш (карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтириш) режалари Ўзбекистонда иссиқхона газлари чиқиндиларининг қарийб 75 фоизи келтириб чиқараётган энергетика соҳасига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Унинг самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига қисқариб бораётган табиий газ захираларига боғлиқликни камайтириш мамлакатда соҳа хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Шунинг учун атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари масаласи Ўзбекистон ҳукуматининг энг муҳим стратегик устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Биз ер деградациясининг нейтраллигига эришишга интиламиз ва бу борада дастлабки натижаларни кўряпмиз, — дейди экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов.



**Мутахассисларнинг билдиришича, ҳар бир одам бир кеча-кундузда 5-6 литр кислород қабул қилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун 22 туп дарахт керак. Ҳар бир дарахт йилига 120 килограмм кислород ажратиб бергани ҳолда айни шу вақт ичида деярли 22 килограмм, бутун ҳаёти мобайнида бир тонна атрофида карбонат ангидрид газини ютади. Шу боис, ўрмонлару яшил масканлар Ернинг “ўпка”си, одамларга ҳаёт бахш этувчи асосий манба ҳисобланади.**

## Саксовул экиш самараси

Хорижлик экспертлар ва тадқиқотчиларда Оролбўйида чўлланишга қарши қилинаётган ишлар, айниқса, кўплаб саксовул ўсимликлари экилгани катта таассурот қолдиради. Аниқроғи, ҳайратга ҳам тушади. Шунинг учун қандай самара бераётгани билан қизиқади.

— Ўтказилган тадқиқотлар Орол денгизи қуриган тубининг катта қисмини қурғоқчиликка ва шўр тупроққа чидамли бўлган маҳаллий дарахтлар, буталар ва ўт-ўланларни аралаш ҳолда экиш ҳисобига қайта тиклаш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги бош мутахассиси Ҳожимурот Толипов. — Натижада маҳаллий аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги яхшиланиши билан бирга, ҳар йили 28-44 миллион доллар миқдорда қўшимча фойда келтириши ҳамда тупроқдан углерод чиқишининг олдини олиш ва атмосферадан карбонат ангидридни ютиш орқали иқлим ўзгаришини юмшатиши мумкин.



Оролбўйидаги “яшил қоплама” майдонларининг аксарият қисмини саксовулзорлар ташкил этяпти. Ҳаво мусаффолигини таъминлашда саксовулнинг ўрни жуда катта. Бир гектардаги тўрт йиллик саксовулзор 1158 метр куб кислород ажратади. Бу бамисоли соф ҳаво фабрикасидир.

Шу боис, чўлланишнинг олдини олишда саксовулзорларни кенгайтиришнинг аҳамияти катта. Барпо этилган 2 ёшли саксовулзорда шамол таъсирида қум кўчиши 20 фоиз, 5 ёшлисида 80 фоиз, 7 ёшлисида эса тўлиқ тўхтайди. Натижада иқлим мўътадиллашади, аҳоли яшаши учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади.

Оролнинг қуриган майдонидаги саксовуллар орасига ёввойи ҳайвонлар ва чорва учун озуқабоп экинлар ҳам экилмоқда. Ушбу ҳудудда ўнлаб артезиан қудуқ қазилди. Улардан сув чиқарилиши натижасида жойларда сунъий кўллар пайдо бўлди, атрофида қамишзорлар вужудга келди, дарахт ва буталар ўса бошлади. Қумликлардаги саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан иборат майдонлар улар билан уйғунлашиб, чўл экотизими тикланяпти, ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг шу ерда яшаши, ин қуриши ва кўпайишига шароит яратяпти.

2018 йил 27 ноябрь куни БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам тарихий воқеа юз бериб, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди ташкил этилганди. Мазкур фонд Оролбўйидаги аҳоли турмуш фаолияти билан боғлиқ тиббий, иқтисодий ривожланиш, экологик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашувни, Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, донорлик ҳамжамиятлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минтақа ривожланиш жараёнига биргаликдаги ёрдамни таъминлаш, бунинг учун техник ҳамда молиявий ресурсларни сафарбар қилиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

2021 йил 18 майда БМТ томонидан қабул қилинган махсус резолюцияга кўра, Оролбўйи минтақаси экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди ҳисобланади. Юртимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” доирасида бугунги кунда 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар ва 6 миллион евро ажратилган 71 та тадбир, шунингдек, қиймати 1,9 триллион сўмлик 65 та устувор инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кезда бу борада 230 та лойиҳавий таклиф мавжуд, уларнинг умумий қиймати 210 миллион долларни ташкил этади.

Президентимиз БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги нутқида халқаро тузилма резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудуди экологик офат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айланишини таъкидлаб, бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспохабини яратишда яқин ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Чунки бу каби лойиҳа ва дастурлар Оролбўйи ҳудудида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланган экологик фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва уларнинг орзу-ниятлари амалга ошишига хизмат қилади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Глобал экологик жамғарма кўмагида “Ўзбекистоннинг тоғли ва водий ҳудудларида ўрмонларни барқарор бошқариш” лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги сувсиз ерларда ўрмонзорлар ташкил этилди. Бундан ташқари, чўлланиш ва ер деградациясининг олдини олиш, шунингдек, иқлим ўзгариши оқибатларига тайёргарликни ошириш орқали ландшафтлар мустаҳкамлигини оширишда Жаҳон банки томонидан 142 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши назарда тутилган бўлиб, бу ҳам яшил майдонларни кенгайтиришга хизмат қилади.

## “Яшил макон” — чўлланишга қарши қалқон

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 70 фоиз ҳудуди ёки 31,4 миллион гектар ери қурғоқчил майдонлардан иборат, улар, асосан, табиий шўрланган, кўчма бархан қумликлар ҳамда иссиқ гармсел шамоллари таъсиридаги ҳудудларни ташкил этади. Орол денгизи қуриши туфайли Ўзбекистонда яна қўшимча 3 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум пайдо бўлди.

2021 йилдан буён мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда ва ҳар йили 200 миллион тупдан ортиқ дарахт ва бута кўчати экиляпти. Бундай кенг кўламли ташаббус натижасида шаҳарларимиздаги яшил майдонлар ҳудуди ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга оширилади.

Шу пайтгача уй-жой массивларининг ўзида 1200 гектардан ортиқ боғ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди. Хусусан, шу йил кузда ўрмон хўжаликларида 5 миллион туп дарахт экиш, чиқинди полигонлари атрофида ва йирик саноат корхоналари ҳудудида “яшил белбоғ” яратиш, дала четларида 20 миллион туп терак, тут ва узум, боғча, мактаб, олий ўқув юртлари ва шифохоналар ҳудудида 3,5 миллион туп кўчат ўтқазиш, Оролнинг қуриган 100 минг гектар тубида “яшил қоплама”лар ҳосил қилиш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган эди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида ташкил этилган штабдан олинган маълумотларга кўра, шу кунгача юртимиз бўйича рекорд даражада — 88 миллион туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчати экилди. Ўтган йилги кузги мавсумида жами 76,4 миллион туп кўчат ва қаламча экилиши таъминланган.

Шу билан бирга, ер участкалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига “яшил боғ” ташкил қилиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади. 2024-2026 йилларда Тошкент шаҳри атрофида жами 441 гектарда, 2024-2030 йилларда республика шаҳарлари доирасида “яшил белбоғ”лар барпо этилади.

Мутахассисларнинг билдиришича, ҳар бир одам бир кеча-кундузда 5-6 литр кислород қабул қилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун 22 туп дарахт керак. Ҳар бир дарахт йилига 120 килограмм кислород ажратиб бергани ҳолда айни шу вақт ичида деярли 22 килограмм, бутун ҳаёти мобайнида бир тонна атрофида карбонат ангидрид газини ютади. Шу боис, ўрмонлару яшил масканлар Ернинг “ўпка”си, одамларга ҳаёт бахш этувчи асосий манба ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz_news

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



# ЗАР КОКИЛЛИ Зарафшон



**Шодмонқул САЛОМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир**

Бошланиши 1-бетда

Қаерга қараманг, саксовуллар, бултурдан қолган шувоқ буталари қорайиб кўринади. Қизилқумнинг бепоён кенгликлари Чингиз Айтматов романларидаги Сариўзак саҳросини ёдга солади. Бир ўркачли, икки ўркачли туялар ортидан “Жўломон-Жўломон!”, деган ҳайқириқлар келаётгандек гўё...

Фанда Қизилқум чўлининг ўрнида Тетис номи билан аталувчи денгиз бўлгани ҳақида тахминлар мавжуд. Бу денгиз миллион йиллар давомида чайқалиб ётган, бу заминда мутлақо бошқа бир ҳаёт тарзини бошдан кечирган! На саҳро, на туялар, на биз бўлганмиз. Ер шарининг шу қисмида динозаврлару мамонтлар олами ҳоким бўлган. Бунга гувоҳ Қизилқум саҳроси четидаги Тош ўрмон очиқ музейи эса янада хаёлни олисларга олиб қочади. Тош ўрмон бу — тошга айланиб қолган ўрмоннинг қолдиқлари. Жуда катта радиация ёки кучли вулқон отилиши натижасида яшнаб турган ўрмон куйиб, дарахтлар тошга айланган, денгиз эса жуда катта тезликда ерга сингиб кетган, сувнинг номаълум қисми буғланган бўлса керак. Тош ўрмон қолдиқларидан олинган намуналарни Зарафшондаги музейда ҳам кўриш мумкин. Бир қарашда тирик дарахтнинг кундаси, деб ўйлайсиз. Аммо қўл билан ушлаб кўрсангиз, зилдай тош... Хуллас, шундай соҳилсиз тарихни оралаб юриб, бугунги кунда дунёдаги етакчи олтин конларидан бири қарор топган манзилга етиб борасиз.

Ана шу маълумотларнинг бағрига тарихнинг 100-60 миллион йиллик даври сиғиб кетади. Айтишга осон! Бовар қилиш мушкул.

* * *

Қизилқум саҳроси... кўзни толдирадиган даражада кенглик шамолда тебраниб ётган шувоқзорлар аро ўркач-ўркач қирларнинг чўккан туялардай тарзлари, жигарранг пўстин ёпиниб, жим ётган сирли жондор — саҳронинг ҳайбати одамни ўзгача руҳи билан тентиратиб қўяди. Замоннинг олд машинаси ҳам ҳансираб қолаётганини моторнинг “гур-гур”идан англайман.

— Бу кетишда Қозоққа ўтиб кетамизов, Азаматжон?!

— Э ака, нима деяпсиз? Ҳали чўлнинг марказига ҳам етиб келмадик-ку...

Ажабланиб соатга қарайман. Озмунча йўл босдикми ахир?..

Тағин бир соатча юрилгандан кейин олисдан иншоотларгами, техникагами ўхшаган бир қоралар кўрина бошлайди. Бу Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Мурунтов комплекси эканини қулоғим билан эшитиб-илғаб, тобора ойдинлашаётган бинолар, заводда қайта ишланиб, маъданлари олинган, тоғдек уйилиб ётган тупроғу гил қоришиқ тепаликлар бўй кўрсатади.

Бу жаҳонга машҳур Мурунтовнинг чегараси, Ер шарининг энг катта олтин захираларидан бири бўлган хазинанинг остонаси.

Глобусга қараб, мамлакатимизнинг чегараси ҳақида болакайнинг айтган гаплари эсимга тушади ва кулиб қўяман: “Бунча кичкина... Ўзбекистон?!”.

Хаёл ҳам бир денгиздир, тиним билмай чайқалиб ётган денгиз! Тўртта улуғ фариштанинг ҳам улуғи бўлмиш Жаброил алайҳиссалом ҳақида шундай таъриф бор: у дунёдаги барча денгизлар тубидаги, барча қирғоқлардаги, барча саҳролардаги қумлар заррасини санай билади, ҳисобини билади!

Инсон идрокига оғирлик қиладиган даражада улуғлик қаршисида Қизилқум саҳроси қум барханларининг ҳам ҳисоби бор. Бунга шубҳа йўқ! Негаки, Худонинг чексиз қудрати қошида денгизнинг саҳрога айланиши, саҳронинг тағин уммонга дўниши мумкин эканига имон келтирсак, кўнгил шубҳалардан озод бўлади.

Гап шундаки, Қизилқум саҳроси Ўзбекистон географиясида Турон пасттекисликларининг катта қисмини эгаллаши қайд этилган. Бу саҳро бир замонлар денгиз бўлган. Бунга етарлича далиллар бор. Барханлар кўчиб юрувчи, туялару чўл ҳайвонлари жон сақлай оладиган поёнсиз саҳро бағридан акула суяклари, тишлари ва чиғаноқлар топилди! Биз ўтиб бораётган йўлнинг чап томонида ўтлаб юрган туялар галаси кўринади. Тавба, қўлга ўрганганига беш минг йил бўлган бу жониворлар ўзлари турган заминда бир замонлар улуғ денгиз мавж урганини ҳеч хаёлига келтирармикан?..

* * *

Марказий Қизилқум ва Нурота тоғларида, олтин рудалари мавжудлиги милоддан аввалги V-VI асрлардан маълум бўлган. Буни одамлар ўша замонларда билган. Ўз вақтида кишилар ўзларига маълум усуллардан фойдаланиб, олтинни ажратиб олган. Олтиндан ясалган ов қуроллари, найзалар, болта каби ашёлар мозийшунослик илмида далил сифатида кўплаб топилган. Шу ўринда мавзуга дахлдор яна бир маълумотни айтиб ўтиш жоиз: бугунги кунда рангли металлар ичида энг арзонларидан бири ҳисобланадиган алюминий ўрта асрларда олтиндан 26 марта қиммат бўлган. Бунга сабаб ер қатламида энг кўп тарқалган алюминийни олиш технологияси ҳали мавжуд эмас эди. Орадан эллик йил ҳам ўтмай, тарози палласидаги вазият ўзгарган: алюминий нархи кескин арзонлашиб кетган.





Қизилқум чўли ва Нурота тизмаси ёнбағирларидаги олтинни ўзлаштириш мунтазам давом этган. Хусусан, Бухоро амирлиги тасарруфидаги бу ерлардан маъданни олиш жуда мудҳиш бир тарзда кечган.

Айтишларича, Бухоро амирининг хазиначилари бу ерларга ўзининг хос кишиларини юборар экан. Улар ўнта норғул мардикорни ўзларига шерик қилиб келаркан. Мардикорлар кўмагида ёмби олтинни бир неча ой давомида йиғиб, туяларга юкларкан. Кейин ортга қайтиб, амир саройига яқинлашганида бу муҳим сирни сақлаш ниятида ёлланган ўн кишини меҳмон қилиш баҳонаси билан олдиндан ҳозирланган карвонсаройга ўхшаш овлоқ гўшага бошлаб кирар ва қўққисдан ҳужум қилиб, уларнинг ҳаммасини қатл этаркан. Асрлар давомида амирликнинг олтин кони ҳақидаги сири шу тарзда сақланган.

Ўтган асрнинг бошларида шу ерлик бир чўпон ўзининг тўққиз-ўн ёшли набираси билан қўй боқиб юрган пайтда бу сирдан кутилмаганда воқиф бўлиб қолган. Чўпоннинг қўйлари олтин ёмбилари кўп учрайдиган ҳудудга бориб қолган. Айни шу пайтда чўпон олисда ўнлаб отлиқларни кўрган. Улар олтин изловчи амирлик одамлари бўлган. Кўринган отлиқларнинг оддий одамлар эмаслигини билган чўпон невараси билан яқин орадаги ғорга кириб яширинган. Ва ўзлари томон келган отлиқларнинг овозлари пасайиб, узоқлашиб кетмагунча шу ерда қоронғи тушгунча жон сақлаб қолган. Қоронғи тушгач, аста-секин ўз ўтовига бориб етган. Қўй сурувидан дарак йўқ. Сурувни излаб ҳам ўтирмаган, бутунлай умидини узган. Чунки қўйларни амир одамлари отнинг олдига солиб ҳайдаб кетган. Қизиғи, улар ўзлари жон сақлаган ғордан бир неча бўлак олтин ёмбисини топган. Ва шу олтин омон қолган жони, бой берилган сурув эвазига Худонинг инояти деб тақдирга кўнишган. Орадан кўп ўтмай чол вафот этган. У жон таслим қилган вақтда набирасига олтин турган жойни ва ўша амир кишилари нимани излаб юрганини айтиб-англатиб, омонатини топширган.

Шу йигитча то катта одам бўлгунича бу сирни бировга айтишга журъат қилмаган. Аммо инқилобдан кейин вазият ўзгарганига амин бўлгач, амирлик тугатилгач, бу сирни чўлни ўрганаётган геологларга айтган. Шу тарзда ернинг хазинасига йўл очилган.

Ана ўша ёмби олтин излаб юрган амирлик аъёнларининг ҳеч бири бу саҳролар вақти келиб, ажаб бир шаҳарларга айланади, деб хаёл қилмаган бўлса керак.



Геология тарихида Учқудуқ ва Мурунтов олтин конларига қуйидагича тавсиф берилади: ўлкада олтин конларини излаш бўйича дастлабки махсус тадқиқот ишлари И.В.Мушкетов, Г.Романовский, Г.Обручев ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Марказий Қизилқумда олтин конлари бўлиши мумкинлигини геолог олимлар А.Ферсман ва Д.Шчербаков XX асрнинг 30-йилларидаги геологик тадқиқотлари асосида башорат қилган. 1930-йилларда Томдитовнинг жанубий этакларида олтин зарралари бўлган бир неча кварц ва кварц дала шпати томирлари аниқланди, 1934 йилда Бесапан қишлоғи яқинида олтин захираси ҳудуди белгиланди. Шундан кейин Бесапан, Олтинтов, Тахтатов манзилларида, Томдитовнинг жанубий ёнбағридаги кремнийли сланецларда кенг кўламда олтин қидирув ва разведка ишлари олиб борилди. 1951-1953-йилларда Мурунтов олтин конига асос солинди. 1954-1956-йилларда Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида икки хил олтин конлари борлиги: бирида олтин маргимуш колчедани билан, иккинчисида жуда сийрак ҳолда кварцда учраши маълум бўлди. 1958 йил олтин-маргимуш боғлиқлиги асосида Мурунтов ёнида маргимушга бой бўлган аномалия майдонлари белгиланди. Мазкур руда майдонида 1959-1962-йилларда олиб борилган батафсил қидирув ишлари натижасида коннинг асосий ҳудуди белгиланди ва олтинга бой нуқталарнинг ўлчамлари жуда йириклиги аниқланди. 1966 йилда Мурунтов олтин конининг очилишига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ геолог олим ва мутахассислар (И.Ҳамробоев, Ҳ.Тўлаганов, П.Хромишкин, В.Гарковетс ва бошқалар) мамлакатнинг олий мукофотига сазовор бўлди. 1969 йил 21 июлда дастлабки маҳсулот — Мурунтов қуйма олтини ишлаб чиқарила бошланди ва бу кон номи дунёга машҳур бўлди.

1934 йилда бу ерга дастлаб узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган хавфли жиноятчилар олиб келинади. Уларнинг кучи билан заводнинг илк пойдевори қўйилади. Ҳозирги Учқудуқ шаҳри ўрнида кашф этилган конни очиш учун зарур бўлган ишлар амалга оширилади: ҳудуднинг ҳақиқий майдонини аниқлаш, ҳали электр етиб келмаган бўлса-да, симёғочлар ўрнатиш, ишчилар учун ётоқлар қуриш шу жумладаги юмушлардан эди.

Вақт ўтиши билан рудадан маъданни ажратиб олиш технологиялари ривожлана борди. Руда таркибидаги олтин ва унга ёндош металларнинг захираси ниҳоятда катта экани аниқлангач, бу манзилда аҳоли пунктлари барпо қилиш ишлари бошланди. Табиатнинг асов кучлари билан курашиб, уни ўзига бўйсундириш осон эмас эди. Шу сабабли дастлаб умрбодга қамалган маҳбусларнинг илк вагонлари бу ерда манзилгоҳ сифатида қўним топди.

Бу пайтда чўлнинг кўчиб юрувчи барханлари ҳафта-ўн кун оралатиб очилган йўллар, техникаларни кўмиб кетиш даражасида хавф туғдирарди. Шу сабабли ишнинг кетиши бирмунча секин эди. Ҳамма нарсанинг ечимини топишни удда қилган одам болалари бу мураккаб шароитда ҳам ўзига хос усулни кашф этди. Яъни ер остидан қазиб олинаётган минг-минг тонна қайта ишланган (таркибидаги олтинлари олинган) рудадан тепаликлар бунёд эта бошлади.





Дастлаб руда қўлда ташилган, кейин ток билан ишлайдиган эскалатор ленталар ёрдамида тепага кўтарилган. Табиий зичлиги юқори бўлган, оғир зарралардан иборат уюмни шамол ҳам, қумларни учирадиган довуллар ҳам жойидан силжитолмаган.

Бугунги кунда Учқудуқ шаҳри атрофини ана шундай сунъий тоғлар ўраб олган. Баландлиги 30-40 қаватли уйлардай келадиган, бир-бирига туташиб кетган бу тоғлар кон ҳудудини ва шаҳарни довуллардан асраб туради.

Навоий конларининг истиқболли ривожи мустақилликнинг илк даврларида биринчи Президентимиз Ислом Каримов фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Мустақиллик арафасида, собиқ шўро ҳукумати тарқалиб бораётган бир паллада халқимизнинг бойир моли — миллат хазинаси бўлган бу конларнинг эгалик ҳуқуқини талаб қилган И.Каримов ва ўша вақтдаги СССР Министрлар Советининг раиси Н.Рижков ўртасидаги суҳбатни шоир Абдулла Орипов шундай эслайди:

— Мен Ислом Каримовни Москвада, Съездлар саройида СССР Министрлар Советининг раиси Николай Рижков билан суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлган эдим. У пайтлар Ўзбекистон СССР таркибидаги мустамлака республика эди. Ислом ака Рижковга Ўзбекистондаги барча конларни мамлакатга қайтариш борасида унга хат юборганини, ўша хат натижаси жавобини сўради.

— Ўзбекистоннинг олтин конларидаги қимматбаҳо техникалар ҳаммаси бизники-ку, уларни тортиб олсам, кейин уларни қандай қазиб оласан? — деди Рижков.

— Ўша қимматбаҳо ускуналарингизни оп кета қолинг, — деди Ислом ака тап тортмай.

Рижков энсаси қотганини яширмай, ғазаб билан:

— Унда олтинингни нима билан қазиб оласан?— деди.

Ислом ака:

— Белкуракда қазиб оламан, — деди.

— Белкуракни ҳам тортиб олсам, кейин нима қиласан? Белкурак ҳам меники, — деди Рижков асабийлашганини сездирмасликка уриниб.

Шунда Ислом ака икки қўлини олдинга шашт билан чўзиб:

— Мана шу тирноқларим билан қазиб оламан, — деди:

Рижковнинг ранги бўздай оқариб кетди...

* * *

1969 йилдаёқ йилига 100 тоннадан ортиқроқ соф олтин қазиб олинган бу конларнинг захираси бирламчи геологик башоратларга кўра, икки мингинчи йилларга етмасдан тугаши керак эди. Бироқ бугунги кунда ҳам Мурунтов ва Учқудуқ конлари дунёнинг етакчи конлари бўлиб турибдики, бу қуйидаги шеърий парчани ёдга солади:

*Тақдир тарозисини адолат узра*
*қурган,*
*Ер остига олтинлар ернинг*
*устидан борган.*
*Бобомнинг орзулари армонларга*
*айлангач,*
*Шул армон ганжга дўниб,*
*насибамни жамғарган.*
*Бир жилғамда ўн тўрт минг*
*кўзи очиқ қатағон,*
*Уларнинг нидосидир заҳматкаш*
*Ўзбекистон.*

Бу ганж, бу хазина боболарнинг ушалган армони бўлиб, келажакнинг ризқнасибаси ўлароқ халқ хазинасига улуш бўлиб қўшилмоқда. Шу ўринда қуйидаги расмий маълумотларни келтириб ўтишни ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

Навоий кон-металлургия комбинати расман 1958 йилда ташкил топган, деб ҳисобланади. Комбинатда уран, олтин, кумуш, қурилиш учун хомашёлар, мармар, фосфоритлар қазиб олинади. Бундан ташқари, сульфат кислота, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари, машинасозлик ва маиший техника ишлаб чиқарилади. Қидирув-разведка ишлари, маъданни қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб, то уран оксиди ва чала оксиди, соф олтин (999,9 фоиз) олишгача бўлган тугалланган жараённи амалга оширувчи саноат корхонасидир.

Комбинат таркибида юртимизнинг 5 та вилоятида жойлашган 5 та кон бошқармаси ва улар негизида қурилган Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод, Мурунтов конидан олтинни қазиб олувчи Зафаробод, Красногорск шаҳарчалари ҳамда бошқа саноат, маданий-маиший объектлар бор.

Шимолий кон бошқармаси (Учқудуқ ш.) 1958 йилда барпо этилган. Учқудуқ кони негизида уран маъданини очиқ ва ер ости усулида, ер остида танлаб, эритмага ўтказиш усулида қазиб олиш ва қайта ишлаш, “Кўкпатас” конининг таркибида олтин бўлган маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонанинг асосий фаолият йўналишини ташкил этади. Марказий кон бошқармаси (Зарафшон ш.) — Мурунтов ноёб олтин конини ўзлаштириш учун 1964 йилда барпо этилган. 1967 йилнинг март ойидан бошлаб очиқ усулда кон ишларини олиб боради. Жанубий кон бошқармаси (Нуробод ш.) — Собирсой уран конини ўзлаштириш мақсадида 1964 йилда ташкил этилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда олтин ва уран қазиб олиш саноатининг ривожланишида янги тарихий давр бошланди. Ўтган вақт мобайнида Навоий КМКда Учқудуқда олтин ажратиб олиш мажмуаси, 3-гидрометаллургия заводи ва Кўкпатас ҳамда Давғизтовда олтин конларининг қурилиши ниҳоясига етказилди ва улар ишга туширилди, “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси барпо қилинди, эмульсияли портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи завод қурилди. Ва ҳоказо...

Бу каби маълумотларни — комбинатда амалга оширилган ишларни тўлиқ санаб ўтадиган бўлсак, эътиборга молик далиллар, рақамлар бир китобга ҳам сиғмаслиги муқаррар.

* * *

Саратонида қуш ҳам соялашга паноҳ тополмайдиган, қиши фавқулодда совуқ бўлган бу чўлу биёбон ўз бағрида миллат хазинасини неча асрлар давомида сақлаб, яшириб келган. Бугунги кунга келиб, Навоий кон-металлургия комбинати номи билан довруқ қозонган бу йирик саноат комплексида қарийб 50 мингга яқин юртдошларимиз фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли кончи Қувондиқ Санақулов раҳбарлигидаги бу йирик тизим кўзни қувнатадиган манзилга айланган. Комбинатда ишчи-ходимлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бутун бошли шаҳарлар барпо этилган. Ер остида километрлаб чўзилган чуқурликда ишлаётган кончи ҳам, бир неча юз тонналик қудратли машиналарни бошқараётган ҳайдовчи ҳам, атрофнинг озодалигини таъминлаётган фаррош ҳам ўзини кончи деб билади. Ўзини шу улкан хазинага дахлдор санайди. Уларни бирлаштирган, муштарак орзу-умид бор, барчаси кўз тиккан ёруғ манзил бор. Бу — шу юртнинг иқболи, унинг келажаги. Бу инсонлар ўз умидларини, режаларини, қувонч-ташвишларини шу беадоқ саҳрода ўзлари бунёд этаётган қизғин ҳаёт ва истиқбол тимсолида кўради.

* * *

Ҳеч бир жисм гравитациядан ташқарида эмас! Бу фикр Альберт Эйнштейнга тегишли. Мазмуни шуки, бирорта жисм ўз ҳолича мувозанатини сақлаб туролмайди. Қуёш ерни, ер ойни ўзига тортади. Қуёшнинг ўзи эса катталиги жиҳатдан ўртача юлдуз бўлиб, галактикалар орасида коинотнинг қоқ марказида туради. Уни ҳам тутиб турадиган омил шу кучдир. Бу куч — гравитация муҳитини ифодалайди.

Башарият фарзандлари 4-5 миллион йиллик йўлни босиб келмоқда. Минг тонна қум-гилдан заррама-зарра олтинни ажратиб олгунча ва бу илмларни ўргангунича неча-неча авлод алмашган. Буюк эҳтиёж — ижтимоий тортишиш кучи инсониятни ерга маҳкам боғлаган, қалбларида меҳрни ундирган. Агарда одам ва табиат, одам ва буюк Яратувчи орасида гравитация амалда бўлмаса эди, зар кокилли Зарафшону Амударё сувлари бу юртнинг қумларига олтин ташимас эди. Тағин бир ҳақиқат борки, бир макондан олтин чиқиши учун, аввало, шу заминнинг одамлари қалбида ёмбилар — улуғ ниятлар жо бўлиши керак.

Қизилқум кенгликларида бундай инсонларни жуда кўп кўрдим.



**Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудсмани ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади.**

**Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати
билан халқимизга йўллаган байрам табригидан.**



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# БОЛАЖОНЛИК ВА БОЛАПАРВАРЛИК ОРАСИДАГИ ФАРҚ НИМАДА?

Бошланиши 1-бетда

Бутун дунёда, хусусан, ривожланган демократик давлатларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада бир қанча рейтинглар мавжуд. Масалан, Болалар тараққиёти бўйича глобал индекс болаларнинг фаровонлиги, таълими ва овқатланиши, атроф-муҳит шароити каби параметрларни ўз ичига олади. Ушбу рейтингда Норвегия 1-ўринда туради. Шу билан бирга, етакчи 10 таликдан Нидерландия, Франция, Ирландия, Дания, Бельгия, Исландия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва Япония ҳам ўрин олган.

Яна бир халқаро рейтинг — “Save the Children” вояга етмаганлар никоҳи, эрта ҳомиладорлик, чақалоқлар ўлими ва болалар меҳнати каби омилларни инобатга олган ҳолда тайёрланади. Ушбу рейтингда етакчи ўринларда Сингапур, Швеция, Финляндия, Норвегия, Словения, Германия, Ирландия, Италия, Жанубий Корея ва Бельгия туради. Болалар фаровонлиги бўйича глобал индексда Ўзбекистон ўзининг позициясида юқорилаб бормоқда. 2017 йилда мамлакатимиз ушбу рейтингда 78-ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилда 62-ўринга кўтарилди. Бу ниҳоятда катта ютуқ, халқаро эътироф, дейиш мумкин. Бунда нималар инобатга олинди? Аввало, чақалоқлар ўлими камайгани, болалар меҳнатига йўл қўйилмаётгани, вояга етмаганлар никоҳи бартараф этилгани мамлакатимизнинг рейтингдаги кўрсаткичи яхшиланишида катта аҳамият касб этди. Шунингдек, эрта ҳомиладорлик ва қатор бошқа нохуш ҳолатлар билан курашиш борасида давлат ўзининг қатъий позициясини, сиёсий иродасини кўрсатгани айнан шу рейтингда ўрни юқорилашига омил бўлди.

Бу масалаларга бошқа давлатларда ҳам эътибор катта. Мисол учун, Скандинавия давлатларида болалар ҳуқуқлари ҳимояси ҳамиша энг устувор вазифалардан бири саналган. Швеция, Норвегия, Данияда ижтимоий ҳимоя ва болалар манфаатини ҳимоя қилишга оид қонунлар ниҳоятда яхши ишлайди. Нафақат бегоналар, ҳатто ўз ота-онаси ва васийлари ҳам боланинг шахсий ҳудудига дахл қилишига йўл қўйилмаслиги, вояга етмаганларни ҳар қандай нохуш ҳолат, зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида айнан Швецияни энг намуна бўладиган давлат, деб айтиш мумкин.

**— Халқимиз болажонлиги билан танилган. Бироқ кейинги пайтларда учраётган айрим нохуш ҳолатларни кўриб, кишида савол пайдо бўлади: болажонлик билан болапарварлик моҳиятан бир-биридан узоқ тушунчами?**

— Бу ниҳоятда чуқур ёндашув талаб этадиган савол. Тўғри, болажонлик миллий қадриятимиз, менталитетимиз ва халқимизга хос хислат. Бироқ ўзаро яқин бўлса-да, болажонлик ва болапарварлик турли тушунчалардир. Чунки болажонлик кўпроқ болаларни севиш, ардоқлаш, яхшилик қилишга интилишда кўринади. Бу бироз мавҳум тушунча. Болапарварлик эса аниқ, конкрет хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Яъни болапарварлик ҳар қандай вазиятда болани ҳимоя қилиш, манфаатларини устун қўйиш, катталарга нисбатан заифлиги, шахс сифатида ҳали тўла шаклланмагани, ўз ҳуқуқларини англамаслиги нуқтаи назаридан уни парваришлаш, ҳимоя қилиш ёндашувида бўлишни билдиради.

**— Болаларни ота-онасининг зарар етказувчи хатти-ҳаракатидан ҳимояловчи нормативлар қандай ишлайди?**

— Айни пайтда болаларни ҳимоя қилиш жамиятимиз диққат марказидаги масала бўляпти. Ачинарлиси, улар нафақат бегоналар, балки ўзига яқин муҳитдаги яқинлари, қариндош-уруғи, ҳатто ота-онасидан озор кўраётган, зўравонлик қурбони бўлаётган ҳолатлар кўпаймоқда. Бундай вазиятларга йўл қўймаслик учун давлатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш юзасидан қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган, муайян таъсир чоралари белгиланган. Улар болани парваришлаш, ота-она сифатида зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан тортиб, боланинг шахсий дахлсизлиги, ҳаёти ва соғлиғига оид ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик кабиларни ўз ичига олади.

Охирги пайтда турли сабаблар, ижтимоий мураккаб вазиятлар оқибатида болаларни қаровсиз қолдириш, ота-оналар томонидан етарлича таълим-тарбия бермаслик, парваришламаслик ҳолатлари кўпайган. Қонунчиликда бундай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун қатъий жавобгарлик белгиланган. Масъулиятини бажармаган ота-оналар, васийларга қонунда кўзда тутилган жазо, албатта, муқаррар. Охирги пайтда Болалар омбудсмани бевосита шундай мурожаатлар билан ишлаяпти. Болаларга нисбатан нафақат жисмоний, балки жинсий зўравонлик кузатилмоқда. Бунга давлатнинг қонуний, қатъий жавоби бор. Яъни бундай жиноятларга йўл қўйган шахслар ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради. Давлатнинг айнан болаларни ҳимоя қилиш бўйича иродаси ва позицияси қатъий, болаларга зўравонликка нисбатан ниҳоятда муросасиз.



**— Болалар омбудсмани охирги пайтларда учраётган мана шундай зўравонликларнинг қанчасини назоратга олди?**

— Болалар омбудсмани сифатида фаолият бошлаганимизга кўп бўлмади. Бироқ ўтган қисқа вақтда бундай ҳолатлар кутилганидан кўп учради. Болаларга нисбатан мудҳиш жиноят содир этган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб бериши шарт.

Бевосита Болалар омбудсманига келиб тушган, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали келаётган турли мурожаатлар билан ҳам шуғулланяпмиз. Болаларга қўпол, нолойиқ муомалада бўлганларни тоифаларга бўлиб айтиш мумкин. Жумладан, қатор ҳолатларда яқинлари, яъни ота-оналари болага нисбатан зўравонликка йўл қўйган бўлса, таълим-тарбияга масъул шахслар, дейлик, ўқитувчилар ёки мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, энагаларнинг нолойиқ, қўпол муомаласи ёки озор бериши оқибатида болаларга турли даражадаги жароҳат ёхуд эмоционал-психологик таъсир кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳолатларни Болалар омбудсмани зудлик билан назоратга олмоқда. Жиноий ёки маъмурий тартибдаги иш бўлишидан қатъи назар, масъул давлат органлари билан ҳамкорликда жазо муқаррарлиги таъминланяпти.



**— Болалар омбудсмани жойлардаги ота-она қарамоғидан маҳрум, етим болалар тарбияланаётган хонадонларга бориб турадими? Улар билан юзма-юз мулоқот ўтказадими?**

— Мамлакатимизда болаларга оид халқаро стандартларга риоя қилинаётганини муҳим қадам, дейиш мумкин. Меҳрибонлик уйлари, ота-она қарамоғидан маҳрум ёки етим болалар сақланадиган махсус муассасалар жиддий равишда қисқартирилди. Яъни болаларни Меҳрибонлик уйлари ёки шу шаклдаги муассасалардан оилавий муҳитга жойлаштириш, имкон қадар жамиятга интеграциясини таъминлаш, оилани юрагидан, қалбидан сезиши ва шу муҳитда улғайиши учун катта ишлар қилинди. Бунинг натижасида бугун 600 дан ортиқ шундай ўғил-қиз оилавий болалар уйларида яшаб, таълим-тарбия олмоқда. Жараён изчил, тизимли йўлга қўйилган. Буни ҳар бир оилавий болалар уйи, тутинган ота-онага қўйилган талаблар, давлатнинг узлуксиз таъминоти ва кўмагида кўриш мумкин. Бундай жойларни мониторинг қилиш Болалар омбудсмани фаолиятининг муҳим йўналишидир. Турли ҳудудларга борганда айнан оилавий болалар уйлари ташкил қилингани, уларнинг шарт-шароити, болалар билан суҳбатлашиш орқали тутинган ота-оналари билан муносабати, эмоционал яқинлик даражаси, ўғил-қизларга нисбатан турли нохуш ҳолатлар юз бермаётгани ўрганилади. Болалар билан қулай мулоқот тури йўлга қўйилган, ҳар бир ўғил-қиз билан бевосита, яккама-якка мулоқот қиламиз ва бунда улар ўз фикрини қўрқмай баён қилади.

**— Тегишли қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга болалар ҳақ-ҳуқуқлари кафолатига доир нормаларни киритишда Болалар омбудсманининг ташаббускорлиги ва иштироки қай даражада?**

— Болалар омбудсмани айнан болалар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида ихтисослаштирилган, давлат функцияси юклатилган институт. У фаолиятини тўлалигича фақат болалар манфаатига йўналтиради. Бу жараёнда турли вазиятлар учраши табиий ҳол. Фаолиятимиз давомида ҳатто ота-оналар ўртасидаги низолар, турли ажрим ҳолатларида ота ҳам, она ҳам ўзининг ҳақиқати, муносабати билан ишга ёндашувига гувоҳ бўлдик. Лекин Болалар омбудсмани учун боланинг манфаати ҳамиша устун. Унинг ота-онаси ёки бошқа васийлари эмас, биринчи навбатда, боланинг манфаати биз учун устувор аҳамиятга эга. Айнан шу ёндашувдан келиб чиқиб, бугун қатор қонун ҳужжатларига киритиш учун таклиф ва тавсияларимизни бериб бормоқдамиз. Қонунчилик ҳокимияти, парламент палаталари йиғилишлари ва муҳокамаларида бевосита Болалар омбудсмани иштироки кўзда тутилган. Яқин кунларда иккинчи ўқишда қабул қилиниши режалаштирилаётган Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонунда ҳам айнан ана шу ваколат ва имкониятлар баён этилган. Яъни Болалар омбудсманининг Сенат ҳамда Қонунчилик палатаси муҳокамаларида иштирок этиш, турли масалалар юзасидан фикрини баён қилиш, таклифлар киритиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Конституциявий суд, Олий суд пленуми мажлисларида бевосита Болалар омбудсмани иштироки таъминланади.

**— Охирги пайтларда юз бераётган, қалбларни ларзага солаётган воқеаларга қарамай, мамлакатимизда болалар ҳақ-ҳуқуқи тўла кафолатланган, дея олишимиз учун асос қай даражада?**

— Бундай ҳолатлар фақат Ўзбекистонда эмас, барча давлатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилади. БМТ тадқиқотларига кўра, бугун ўзига яқин муҳитда болаларнинг 40 фоиздан ортиғи турли шаклдаги зўравонлик қурбони бўлган. Бу маълумот болаларга турли шаклда тазйиқ ўтказиш фақат Ўзбекистонга хос эмас, балки глобал долзарб муаммо эканини англатади. Албатта, ҳозир жамиятимиздаги очиқлик, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини инобатга олган ҳолда бундай ҳолатларга қарши кураш қандай кечаётганини кузатиш имконияти жуда кенг. Эътибор берсангиз, бундай ҳолатлар ошкор бўлгани заҳоти тезкор муносабат билдириляпти. Бу ўринда, биринчи навбатда, болага нисбатан зўравонлик ҳолатига асло йўл қўйиб бўлмаслиги, давлатнинг муросасиз муносабати акс этса, иккинчидан, бу каби ҳар қандай ҳолатга жазо муқаррарлиги ҳамда бола қонун ҳимоясида экани жамоатчиликка етказиляпти. Мана шу ёндашувни юртдошларимизнинг тафаккурига сингдириш бўйича саъй-ҳаракатлар кетмоқда.

Албатта, турли оилавий мураккаб вазиятлар бўлади. Лекин асло унутмаслик керакки, бундай вазиятларда бола қурбон бўлиши мумкин эмас. Ота-онанинг ўзаро қандайдир келишмовчилиги бўлса, масалани маданиятли одамлардек беозор йўл билан ҳал қилиши керак. Болалар ота-онанинг бир-биридан қасд олиши учун ёки бир-бирини турли шаклда азоблаши учун восита бўлиши мумкин эмас. Охирги пайтларда шундай вазиятларда болалар ота-оналар ўртасидаги низолар қурбони бўляпти. Айнан улар кўпроқ жабр кўряпти.



Сўнгги вақтларда болаларга нисбатан ота-онаси ёки васийлари томонидан зўравонлик ҳолати ошаётганини ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган кўплаб хабарлар, Болалар омбудсмани котибиятига келаётган мурожаатлардан кўряпмиз. Мурғак болаларга бундай шафқатсиз ва аёвсиз муомалани кўриб, ҳар қандай инсоннинг юраги ларзага келади. Ваҳоланки, ҳар бир бола ўз уйини энг хавфсиз ва севимли маскан, ота-онасини эса ҳаётнинг турли синовларидан ҳимоя қилувчи посбон деб билади. Зўравонликни ташқарида бегоналардан эмас, балки энг яқинларидан — унга меҳр-муҳаббат кўрсатиши керак бўлган инсонлардан кўраётган боланинг кўнглидан нималар ўтишини энди тасаввур қилиб кўринг! Бундай ўғил-қизнинг дунёси остин-устун бўлади, ҳаётга, эртанги кунга, инсонларга ишончи буткул сўнади. Ота-оналик бурчини тўғри англаган ҳеч бир шахс, руҳан ва қалбан соғлом инсон фарзандига бундай ҳолатни раво кўрмайди.

Фарзанд — ота-онанинг “шахсий мулки”, деган қараш билан яшашни бас қилайлик. Ота-оналар болага эгалик қиладиган эмас, аксинча, унга ғамхўрлик ва меҳр кўрсатадиган, фарзандининг жисмонан, руҳан ва ақлан камол топиши учун барча зарур шарт-шароит яратадиган инсонлардир. Ҳар бир боланинг ҳуқуқ ва манфаати қонун ҳимоясида. Мана шу қоида юртдошларимиз тафаккурига сингиши керак.

**— Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзанди қаерда яшайди?**

— Ота-оналикдан маҳрум қилиш — мураккаб жараён. Бундай қатъий қарорга келиш бирданига, шошма-шошарлик билан бўлмайди. Қатор талаблар бор. Дейлик, ота-она бола ҳақ-ҳуқуқларини муттасил бузса, унга нисбатан зўравонликка йўл қўйса, фарзандини боқиш, тарбиялашдан воз кечса, жиддий наркологик ёки алкоголик касалликка йўлиқиш туфайли вазифасини бажаролмайдиган ҳолатга келса, ота-оналикдан маҳрум қилиш масаласи қўйилади. Бу масала фақат суд қарори асосида ҳал этилади. Шундай ҳолатларда отаси ҳам, онаси ҳам бирдек ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, болани бошқа яқини, унинг манфаатини устун биладиган шахсларга топшириш масаласи суд томонидан ўрганилади. Бунда энг асосий ўринни васийлик ва ҳомийлик органи белгилайди. Ҳар бир вазият манзилли, индивидуал ўрганилади. Шу ҳолатда бола учун маъқул, энг муносиб бўлган васий ким? Унинг бобо-момолари ёки бошқа яқин қариндоши ёхуд болани боқиб олиш учун ташаббус кўрсатган инсонларми? Мана шу масала тўлиқ ўрганилади. Шундан кейингина бола бошқа ота-она ёки васийларга топширилиши мумкин.

**— Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларига доир қонунчилик базаси мустаҳкам. Лекин уларнинг амалда қўлланиши ва қатъий устуворлигини таъминлаш ҳолати сизни қониқтирадими?**

— Бугун, албатта, қонунчилигимизда болаларни ҳимоя қилиш борасида муаммолар кўп, деб айтолмаймиз. Холис эътироф этиш зарур: Ўзбекистон Марказий Осиёда гендер тенглик ва болалар манфаатлари таъминлангани бўйича энг илғор мамлакат. Чунки болаларга нисбатан содир этилган жиноятлар, шу жумладан, жинсий жиноятлар юзасидан жазолар қатъийлаштирилган ва ниҳоятда қаттиқ кўринишда, енгиллик берилмайдиган тарзда қонунда белгиланган. Бу эса кўплаб мамлакатлар, ҳатто демократик ривожланган давлатларда ҳам ҳали-ҳануз қилинмаган иш. Шу нуқтаи назардан айтиш керак: қонунчилигимиз мустаҳкам ва болаларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилади. Шу билан бирга, қонунни бевосита таъминлаш жараёнида турли масалалар, муаммолар юзага келиши мумкин. Бунинг асосий сабаби нимада? Ҳуқуқи бузилганида боланинг бевосита мурожаат қилиш имконияти чекланган. Ўзининг ҳуқуқи бузилганида катталар Инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсман ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турли органларга мурожаат этади. Лекин бу бола учун жуда нозик вазият: у ота-онасига тобе, ота-онасининг тарбиясида. Шундай экан, у қандай қилиб ота-онаси ёки бошқа қариндошларининг зўравонлигига учраётганини айтади? Бу масалада болалар чекланган ва заифдир. Вазифамизнинг мураккаблиги шундаки, бундай ҳолатларни ўзимиз аниқлашимиз зарур. Шу каби вазиятлар ҳақида кичкина сигнал бўлса ҳам аниқлаш, унга тезкорлик билан муносабат билдириш, айбдорнинг жавобгарликка тортилиши ва бундай нохуш ҳолатлар бошқа қайтарилмаслигини тизимли таъминлаш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан. Масалан, охирги пайтда таълим муассасаларида болаларга нисбатан зўравонлик қилиш, қадр-қимматини ерга уриш ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳолатлар тизимли бўлиб қолиши мумкин эмас. Ўқитувчи ёки тарбиячилар — бола таълим-тарбияси зиммасига юклатилган шахслар вазифасининг тескарисини қилиб, ўғил-қизларга зуғум ўтказса, ҳолат педагогни ишдан бўшатиш билан тўхташи керак эмас. Бундай ҳолатларга муросасиз бўлмоғимиз зарур, токи бошқа қайтарилмасин. Нафақат болаларни ҳимоя қилиш, балки ўқитувчи ва тарбиячиларни тегишли вазифа, лавозимга тайинлаётганда психологик кўрикдан ўтказиш, яъни бола билан мулоқот қилишга қанчалик тайёрлиги, эмоционал жиҳатдан ва соғлиғи барқарорлиги текширувдан ўтказилиши шарт.

**— “Мультииндикатор кластер кузатуви”га кўра, Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 3 боладан 2 нафари зўравонлик билан тарбияланишни бошдан кечирган, деган хабар тарқалди. Бунга муносабатингиз қандай?**

— Бу масалага чуқурроқ ёндашиш зарур. Унинг негизида миллий қадриятлар билан бирга миллатга хос ёндашувлар, фарзандга муносабат, боланинг қадр-қиммати кабилар туради. Масалан, ўзбек оилаларини олайлик. Одатда болага нисбатан ота-она ўзини ҳукмрон ҳис қилади. Отанинг, онанинг айтгани-айтган, дегани-деган. Фарзанд фақат рухсат берилган пайтда ўз фикрини баён қилиши мумкин. Ёки ҳаётимизда кузатувларни бир эслаб кўринг: “Сен жим тур”, “Аралашма”, “Сендан ҳеч ким сўрагани йўқ”, “Фикрингни кейин айтасан”, деган муносабатга дуч келасиз. Болага мукаммал, ҳақ-ҳуқуқли инсон сифатида қаралмайди. Яъни фарзанд — ота-она қўл остидаги одам, ота-она нима деса, шу бўлади. Тўғри, тарбия, миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан бунинг ижобий тарафлари ҳам бордир, эҳтимол. Лекин мустақил инсон сифатида ўзини англаши ва шахс сифатида шаклланиши жараёнида болани мана шундай бўғиш, чеклаш ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Табиийки, бу ҳолат фарзанднинг психологик ривожланишига жиддий зарар етказади. Болалар ўзининг мана шундай зўравонлик остида улғайганини кейин англаб етади.

Зўравон ота-оналар қаердан пайдо бўлади, деган савол туғилиши табиий. Улар ҳам зўравонликка асосланган тарбия маҳсули. Жараён эса давом этмоқда. Уни тўхтатиш учун эса фарзандларимизга инсон сифатида қараш, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш керак. “Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат” деган мақолнинг ғояси ҳам, ақидаси ҳам тўғри. Бола кичик бўлса-да, ҳурмат-эъзозга, фикри тингланишига муносиб. Кўп масалаларда шаклланган ғалати одатимиз бор: ота-она ҳамма масалани бола учун ўзи ҳал қилади. Фарзанднинг ўзига тааллуқли масалаларни ҳал қилиш, қарор қабул қилишда боланинг ўзи иштирок этмаслиги ҳам зўравонликнинг бир тури, аслида. Чунки болага эркинлик берилмаяпти. Фикрини баён қилиш, ўзига тегишли масалаларда бевосита иштирок этишга изн йўқ. Ҳатто вояга етган ўғил-қизининг қаерда ўқишигача ота-оналар ҳал қилади. Бундай ёндашув бугун ўзини оқламаяпти. Сиз айтган “Мультииндикатор кластер кузатуви”нинг тадқиқоти натижалари ҳам мана шундай ёндашувлар натижаси. Бундай қарашни, албатта, ўзгартиришимиз зарур.

**— “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши кун тартибидаги муаммоларни еча оладими?**

— Болаларни турли зўравонликлардан ҳимоя қилиш масаласи тизимли равишда кун тартибига қўйилаётганининг ўзи катта ютуқ. Чунки шу пайтга қадар “Зўравонлик ўзи нима?” деган саволга жавобимиз йўқ эди. Сиз айтган қонун лойиҳаси билан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига изоҳ берилмоқда. Одатда, болага жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик ҳақида гапирамиз. Лекин зўравонликнинг бундан ташқари яна қатор турлари бор. Болани эксплуатация қилиш, турли ғайриижтимоий вазиятларга, мисол учун, тиланчиликка мажбурлаш ҳам зўравонлик. Ёки боланинг таълим-тарбияси учун зарур муҳит, шарт-шароит яратмаслик ҳам зўравонликнинг бир туридир. Нима учун? Чунки бола заиф. Бундай шарт-шароитни ўзига-ўзи яратолмайди. Шу боис, ҳар бир ота-она ёки васий зиммасига ўз фарзандини ёхуд тарбияси топширилган болани вояга етказиш, унинг учун маънавий, жисмоний, психологик соғлом муҳит яратиш мажбурияти юклатилган. Ана шу масъулиятни уддаламаслик ҳам болага нисбатан зўравонлик.

Бундай ҳолатга тушган болага қандай ёрдам бериш, уни вазиятдан олиб чиқиш масаласи ҳам ўрин олган. Хўш, зўравонлик манбаси боланинг яқинлари, ота-онаси бўлса, қандай йўл тутилади, деган саволга жавоб топиш мумкин. Керак бўлса, зўравонлик қилаётганлардан муҳофаза этиш мақсадида болага ҳимоя ордери бериш ҳам мана шу қонун доирасида тартибга солинади. Бу қонун кучга киргандан сўнг кўзда тутилган барча масалалар бажарилиши, ихтисослаштирилган давлат органлари белгиланган вазифалар ижросини таъминлашига ишонаман.

**“Янги Ўзбекистон мухбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.**






# “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси

## оммабоп китоблар таржимаси йўлида илк муҳим қадам

**Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрь куни қабул қилинган “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи яна бир муҳим қадам бўлди.**

ҚАРОР ВА ИЖРО



Ҳужжат билан Ёшлар ишлари агентлиги жаҳонда машҳур 1000 та китобни танлаб олиб, ўзбек тилига таржима қилиш ва мамлакатимизда оммалаштиришга қаратилган “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга оширишга масъул этиб белгиланди.

Унга кўра, давлат буюртмасига асосан, китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини асар муаллифларидан сотиб олиш, уларни ўзбек тилига таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан (давлат олий таълим муассасалари учун нашр этиладиган китоблар бундан мустасно) амалга оширилади. Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари учун мўлжалланган китоблар рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ОТМлар кесимида шакллантирилади ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нашр этилади. Танлаб олинган нашриётларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат буюртмаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан умумий белгиланган шарт ва қоидалар доирасида кичик тадбиркорлик субъектлари учун бериладиган компенсация ва кафилликлар тақдим этилади.

Китобларни таржима қилиш ва нашр этишда биринчи босқичда экспертлар кенгаши томонидан ҳар йили китобларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади. Ундан сўнг аҳоли томонидан овоз бериш йўли билан танлаб олиш учун дастлабки рўйхат Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот тизимларига жойлаштирилиб, бу орқали якуний рўйхат шакллантирилади.

Ўзбек тилида илмий-оммабоп китоблар нашри анча кўпайганига қарамай, бу ҳали етарли эмас. Ушбу эҳтиёж инобатга олиниб, ҳар йили нашр этиладиган китоблар рўйхатига камида 20 фоиз илмий-оммабоп асарлар киритилиши белгиланди. 2023-2024 йилларда дастлабки танланган 50 та китобни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш чоралари кўрилади.

Шунингдек, китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ давлат харидлари талабгорлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш ҳамда тендер ўтказиш орқали амалга оширилади. Лойиҳа доирасида ушбу таржима асарлар жамланадиган ва аҳоли томонидан бепул фойдаланиладиган махсус мобиль илова яратиш кўзда тутилган.

Жараённинг шаффоф ва сифатли ўтказилиши, нуқсонлардан холи, камчиликларсиз китоблар чоп этилишини таъминлаш мақсадида илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда тажриба, билимга эга олимлар, Маънавият ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмитаси мутахассисларидан иборат экспертлар кенгаши тузилади. Уларнинг меҳнатига Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида ҳақ тўланади.



Қарорни кенг жамоатчилик катта хурсандчилик билан қарши олди ва ижтимоий тармоқларда бу бўйича турли фикрлар билдирилди. Баъзилар бу лойиҳа айрим нашриётлар бизнесига хизмат қилишидан хавотирда эканини билдирган бўлса, бошқалар ундан катта ижобий натижалар кутаётганини маълум қилди.

Twitter ижтимоий тармоғида лойиҳа юзасидан ўтказилган мулоқотда Ёшлар ишлари агентлиги директорининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси Меҳриноз Аббосова қуйидагиларни маълум қилди: “Қарорнинг қабул қилинишига катта зарурат ва асос бор эди. Давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб иш бошлаганимда ўзбек тилини ривожлантириш юзасидан режа тузилган, муаммоларни ўргана бошлаганимизда ўзбек тилида сифатли илмий-оммабоп китоблар йўқлиги, умуман, ўзбек тили манба сифатида йўқолиб бораётганига алоҳида эътибор қаратдик, бу ҳақида зиёлилар томонидан билдирилган фикрларни инобатга олдик.

Дастлаб Википстипендия лойиҳасини амалга оширганмиз. Фаол жамоатчилик ёрдамида турли тилдаги оммабоп китобларни ўз тилимизга таржима қилиш бўйича таклифлар билдирилган. Ушбу ғоя қўллаб-қувватланиб, Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниши белгиланган эди. Аммо бу катта лойиҳа сифатида Президент қарорига айланди ва кўлами кенгайди. 1000 китоб деб айтаётганимиз аниқ чегара эмас, балки катта мақсад ҳисобланади.

Бу лойиҳа йиллар давомида амалга оширилади. 2023-2024 йилларда режа бўйича 50 китоб саралаб олинади ва нашрга тайёрланади. Китобларнинг таржимаси бўйича Ёшлар ишлари агентлиги жавобгар ва масъул бўлади, шу сабабли лойиҳага пухта тайёргарлик кўрилмоқда, малакали экспертлар жалб қилинмоқда. Қарорда белгиланганидек, ўзбек тилидаги адабиётлар жамланадиган ва аҳоли томонидан бепул фойдаланиладиган махсус мобиль илова яратилади”.

— Биринчи йил учун нашриётлар билан китоблар таржимасини ташкил этишни мақсад қилганмиз, — дейди лойиҳа менежери Хуршид Йўлдошев. — Бу бир йилдан буён ўйлаб келинган иш эди, 50 та китоб рўйхати тузилган. Китоблар рўйхати эълон қилингач, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилади. Рўйхат маъқуллангандан кейин экспертлар кенгашига тақдим қилинади. Биринчи йил учун бадиий бўлмаган китоблар танланган. Улар аксарият талабалар, ёшлар учун илмий фаолиятда зарур бўладиган сифатли қўлланмалардир. Рўйхат эълон қилингач, исталган нашриёт масъулиятни бўйнига ололса, бу китобларни сифатли нашр қила олишига кўзи етса, лойиҳага бош қўшиши мумкин. Биз уларнинг ҳар бири билан музокара ўтказамиз. Ҳамма иш ошкора бўлади.

Хуршид Йўлдошевнинг билдиришича, нашриётларни танлашда иш тажрибаси, қанчалик салмоқли, сифатли китобларни чиқара олгани, аввал ҳам ўзи ташаббус кўрсатиб, буюртма асосида (таржимон кўтариб келган нарсани эмас) китоб таржима қилдириб, таржимонлар ёллаб, улар билан ишлагани инобатга олинади.

Нашриётда қанчалик малакали, тил биладиган, аслият билан солиштириб таҳрирлай оладиган муҳаррирлар борйўқлиги муҳим. Баъзи таржимонлар жуда равон, аммо хато таржима қилади. Бу пайтда тилни яхши билмаган муҳаррир чиройли таржима қилинган деб ўйлаб, хатоларни ўтказиб юборади.

Бир йилда 50 китобни 2-3 та нашриёт чоп эта олмайди, бунга имконияти етмайди. Жараёнга камида 6-7 та нашриётни жалб қилишга тўғри келади. Нашриётларнинг иш сифати, услуби бир хил эмас. Шунинг учун координация қилишга тўғри келади. Уларга иш тақсимланиб, ҳар бир босқич назоратга олинади.

Республика болалар кутубхонасининг янгидан реконструкция қилинган биносидаги китоб фондидан кенг фойдаланишга имконият яратиш мақсадида волонтёрларни жалб қилган ҳолда бир ой мазкур кутубхона китоб фондининг электрон каталогини яратиш ташаббуси ҳам қарорда ўз аксини топган. Демак, болалар учун ҳам яна кўплаб китоблар нашр этилиб, уларнинг электрон базаси бойитилади.

Шунингдек, таржима ҳақида гап кетганда баъзи зиёлилар ўзбек тилида ёзилган асарларни ҳам хорижий тилларга таржима қилиш, сунъий интеллектнинг ўзбек тилидаги ривожи ҳақида бош қотириш масаласини кўриб чиқиш кераклигини билдирди.

Масъуллар ва мутахассислардан ташқари бевосита лойиҳа “истеъмолчилари” бўлган ёш олимлар, китобхонлар қатламининг фикри ҳам бу борада муҳим. Зеро, қарор ижроси ёшлар манфаатига хизмат қилиши ва уларга маънавий, интеллектуал наф келтириши лозим.

— Очиғини айтсам, талабалигимда илмий асарларни тополмай кўп қийналардим, — дейди Гулистон давлат университети докторанти Оятулло Насруллаев. — Мутахассислигим бўйича интернетдан адабиётлар қидирганимда кўпроқ рус ва инглиз тилида ёзилган китоблар чиқар, уларни тушуниб ўқиш бир оз мушкул эди. Бу китоблар қачон она тилимизга таржима қилинар экан, деб ўйлардим. Қарорда ҳар йили чоп этиладиган китобларнинг камида 20 фоизи илмий-оммабоп бўлиши белгиланганидан маълумки, биз энди бундай қийинчиликларга учрамаймиз.

Фикрлашга ўргатадиган, ривожланишга ундайдиган, илмий асосга эга қўлланмалар жуда муҳим. Хориж тажрибасини ўрганмай, улар билан ҳисоблашмай туриб, илмда катта натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса бизда аслиятдан қилинган илмий-оммабоп таржималар кўпайиши лозим. Оксфорд, Кембриж университетларида нашр этилган китоблар, хорижлик мутахассисларнинг диссертация иши сифатида ёзилган адабиётлар ҳам она тилимизга таржима қилинса, нур устига нур бўларди.

Қарор ижросини таъминлашда масъуллар ва кенг жамоатчилик фикри якдил бўлиши, зиёлилар бир ёқадан бош чиқариб, ташаббусни қўллаб-қувватлаши, ёшларнинг ўз мулоҳазаларини билдиришда фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Зеро, лойиҳа ўзбек тилида манбалар кўпайиши ва ёшлар учун сифатли адабиётлар яратишни мақсад қилган экан, бу йўлда барчамиздан дахлдорлик ҳамда масъулият талаб этилади.

**Рашид ХЎЖАМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

САЙЁҲЛИК



# ХОРИЖЛИКЛАР СЕНТОБГА НЕГА БОРЯПТИ?

**Бугун халқаро туризм бозоридаги рақобатбардошликни ошириш мақсадида миллий иқтисодиётимизнинг стратегик сектори — сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унга ёндош иқтисодиёт тармоқларини кластер усулида ривожлантириш бўйича комплекс ишлар қилинмоқда. Жумладан, сайёҳлик салоҳияти юқори ҳудудларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий қилинди. Жумладан, Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи “Туризм қишлоғи”га айланди.**



Навоий вилояти марказидан қарийб 200 километр узоқликда жойлашган, гўзал табиатга эга бу қишлоқ бугун маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар нигоҳида.

Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 25-сессияси чоғида Сентоб дунёнинг энг яхши туризм қишлоқларидан бири сифатида эътироф этилгани чекка ҳудуднинг янги имкониятларини очди.

Аслида, туризм соҳасида янги йўналишлар очиш, уларни ривожлантириш нафақат рақобатбардошликни, шу билан бирга, молиявий тушумларни кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, миллий туризм брендини ривожлантириш юртимиз имижига ижобий таъсир ўтказади. Биргина Сентоб туризм қишлоғида ушбу тармоқ сабаб 300 нафарга яқин фуқаро бандлиги таъминланди. 20 дан ортиқ оилавий меҳмонхонада 15 та овқатланиш шохобчаси, ҳунармандлик устахоналари ва савдо расталари сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.



— Сентоб қишлоғи инфратузилмасини яхшилаш учун 20 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Қишлоқда йўллар таъмирланиб, электр энергияси ва ичимлик сув таъминоти, мобиль алоқа сифати янада яхшиланди. Қишлоқдан 15-20 километр узоқликда Айдаркўл жойлашгани ҳам бу ерга сайёҳларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириб, асосий драйверга айлантириш маҳаллий аҳолининг ҳам турмуши яхшиланишига хизмат қилмоқда, — дейди Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Саъдулло Мирзаев.

Муҳим жиҳати шуки, туризм қишлоғидаги тадбиркорлар 3 йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқ, мол-мулк, ер, сув солиқлари суммасидан бор-йўғи 1 фоизини тўлаш тизими жорий этилди. Бундай ҳудудлар “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилиб, йўлларига асфальт ётқизилди, ёритиш чироқлари ўрнатилди, ичимлик сув ва электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Сентоб Нурота тоғларининг шимолий ёнбағрида жойлашган бўлиб, қарийб 3 минг аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқда бой қадимий тарих, маданий мерос, миллий қадриятлар ва урф-одатлар бугунга қадар сақланиб қолган. V-VI асрларда қоятошларга ишланган петроглифлар, тоғ тепасидаги кўҳна қўрғон қолдиқлари, XI-XVIII асрларга оид тошга ўйилган ёзувлар, қишлоқнинг энг юқори нуқтасидаги Фозилмон кўли диққатга сазовор жойлардир. Бу ердан маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмайди.

Қишлоққа бугун Буюк Британия, Германия, Франция, Австрия, Россия каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Бу ерга бир кунда ўртача 300 нафар, бир йилда қарийб 45 минг сайёҳ келмоқда.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Кўп манзилларда саёҳат қилганман, аммо бундай ўзига хос гўзал гўшани биринчи марта кўришим. Одамлари меҳридарё, меҳмондўст, таомлари мазали. Ўзим 71 ёшдаман ва бу ердаги тоза ҳаво ва гўзалликдан қувват оляпман. Юртингизнинг ҳар бир ҳудудидан эсдалик совғалар йиғяпман. Самарқанддан бежирим дўппилар олдим. Франциядаги 3 ўғил неварам шу дўппиларни кийишини хоҳлайман, — дейди сайёҳ Филипп Делару.

Сентоб инфратузилмасини ривожлантириш учун қишлоққа олиб борувчи 5 километр ички йўл таъмирланди, тунги ёритиш чироқлари, 2 та пиёдалар кўприги, 2 та сельфи ҳудуд, 3 та санитария-гигиена шохобчаси, қишлоқнинг рамзий кириш стеллажи, 1 та туристик ахборот маркази қурилди. Мавжуд 12 та маданий мерос объекти ва диққатга сазовор жойлар, гўзал табиий манзарали 15 жойда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, туризм йўналишига киритилди.

Қишлоқ аҳли ҳунармандлик, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик билан шуғулланади, меҳмондўстлиги билан машҳур. Хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар халқ амалий санъати дурдоналаридан завқ олиши, миллий урф-одатлар, анъаналар ва таомлар билан танишиши учун барча шароитлар яратилган.

— Ўзбекистон тарихи ҳақида кўп ўқиганман. Сабаби, онам ҳиндистонлик ва бобурийлар сулоласидан. Шу сабабли мени ўзбек қизларига ўхшатишганида жуда хурсанд бўламан. Тарихингиз, маданиятингиз қадимий ва ўтмиш анъаналари ҳамон сақланиб қолгани муҳим. Кўплаб тарихий шаҳарларда бўлдик, китобларда ўқиган маълумотларни кўзим билан кўриб, ҳайратим ошди. Сентобнинг гўзал табиатини таърифлашга эса тил ожиз, — дейди германиялик сайёҳ Сейраҳ Кевал.

Навоий вилоятида жойлашган ушбу сўлим гўшанинг энг яхши туризм қишлоғи, деб эътироф этилиши юртимизда соҳага қаратилган юксак эътибор самарасидир. Туризмни қишлоқ тараққиётининг драйверига айлантириш эса аҳоли турмушини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1246.
43301 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33  Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98  E-mail: info@yuz.uz  Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 20:00  Топширилди — 22:20